

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

9-сон
(45)
2002 й.
май

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;
иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;
учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;
тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

57. «Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги 353-II-сон Қонуни
58. «Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексини амалга киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2002 йил 4 апрелдаги 354-II-сон қарори
59. «Кредит уюшмалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги 355-II-сон Қонуни
60. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2002 йил 4 апрелдаги 356-II-сон қарори
61. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги 360-II-сон Қонуни
62. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2002 йил 5 апрелдаги 361-II-сон қарори
63. «Чиқиндилар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги 362-II-сон Қонуни
64. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2002 йил 5 апрелдаги 363-II-сон қарори

Учинчи бўлим

65. «Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 майдаги 149-сон қарори
66. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 майдаги 150-сон қарори
67. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 майдаги 151-сон қарори
68. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарори [Кўчирма]

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

57 Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:
Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 4 апрель,
353-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Қорақалпогистон Республикасида шаҳарсозлик соҳасидаги муносабатлар Қорақалпогистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Кодексда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолини жойлаштириш тизими — мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш ҳамда янги аҳоли пунктларини барпо этиш ўюли билан аҳолини тегишли худудга тартибга солиб бориладиган тарзда жойлаштиришнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан белгиланадиган асосий ўналишлари;

аҳоли пунктининг бош режаси — яшаш ва фаолият мухитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини, аҳоли пунктлари худудий ривожланишининг асосий ўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжати;

аҳоли пунктлариаро худудлар — аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида-ги икки ва ундан ортиқ аҳоли пункти ўртасидаги худудлар;

бино — функционал мақсадига караб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни таш-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

кил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат курилиш тизими;

зоналаштириш — ҳудудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган ҳолда унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши;

иншоот — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни саклашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, яси ёки чизик тарзидаги курилиш тизими;

шаҳар ва посёлка чизиги — аҳоли пункти ерларининг уларни ер фондининг бошқа тоифаларидан ажратиб турадиган, шаҳарсозлик хужжатларида белгилаб қўйилган ташки чегараси;

шаҳарсозлик — аҳоли пунктларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуришнинг ижтимоий-иқтисодий, қурилиш-техника, архитектурабадиий ва санитария-гиgienага оид ечимларининг йиғиндинсиини таъминловчи назарияси ва амалиёти;

шаҳарсозлик регламенти — шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларнинг ер участкалари ва ўзга кўчмас мулк обьектларидан фойдаланишнинг аҳоли пунктлари ва ҳудудларни қуриш қоидлари билан белгиланган кўрсаткичлари ва турлари йиғиндинси;

шаҳарсозлик фаолияти — давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа обьектларнинг фуқаролар манфаатлари, жамият ва давлат манфаатлари, шунингдек мазкур ҳудудлар ҳамда аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва реконструкцияси соҳасидаги фаолияти;

шаҳарсозлик хужжатлари — ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш хақидаги, белгиланган тартибида тасдиқланган хужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи (схемаси) — аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш, табиатдан фойдаланиш, ҳудудларни, умумдавлат аҳамиятига молик мухандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўлларини белгилайдиган шаҳарсозлик хужжатлари;

қизил чизик — даҳалар, мавзелар ва режалаштириш тузилмаси бошқа қисмларининг ҳудудларини аҳоли пунктларининг кўчалари, тор кўчалари ва майдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик хужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар;

куришни тартибида солиш чизиқлари — бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик хужжатларида қизил чизиқлардан ёки ер участкаси чегараларидан маълум оралиқ жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари;

ҳудудни режалаштириш тарҳи — ҳудуднинг зоналаштирилишини, аҳолини жойлаштириш тизимлари такомиллаштирилишининг, тегишли ҳудуднинг аҳоли пунктларини, саноати, қишлоқ хўжалигини, минтақаларо, минтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик мухандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик хужжатлари;

худудни ривожлантиришнинг тармоқ тарҳи — тегишли худудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни, иктиносидёт тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари.

3-модда. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозликнинг асоси бўлиб, улар шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар ижро этиши учун мажбурийдир.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда манфаатларига дахл этилиши мумкин бўлган кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ва мазкур объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари масалалари юзасидан давлат органлари қарорлар чиқариши учун асос бўлади.

4-модда. Жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари

Шаҳарсозлик воситалари орқали шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ахолиси-нинг қулай яшаш шароитларини таъминлаш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга етказадиган заарли таъсирига йўл қўймаслик, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли пунктларининг ва уларга туташ худудларнинг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектларини саклаш жамиятнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларидир.

Аҳоли пунктларини ва аҳоли пунктлариаро худудларни барқарор ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг давлат тизимлари иш олиб бориши, табиий ресурсларни саклаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлатнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларидир.

Шаҳарсозлик соҳасида жамият ва давлат манфаатларини ўйғунлаштириш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларига уларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган манфаатлари таалукларидир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолияти, башарти бундай фаолият чегара дош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ҳамда мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишига монелик қиласидиган бўлса, чекланиши керак.

Жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа конун ҳужжатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари талаблари бажарилиши, шунингдек бу талабларга риоя этилишини назорат қилиш орқали таъминланади.

Агар шаҳарсозлик фаолияти жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлса, бундай фаолият тутатилиши керак.

5-модда. Фуқароларнинг қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш мухити билан таъминланиш ҳукуқи

Ҳар бир фуқаро қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш мухити билан таъминланиш ҳукуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолиятининг амалга оширилишида фуқароларнинг қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш мухити билан таъминланиш ҳукуқи:

шахарсозлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши;

худудлар ва ахоли пунктларини ривожлантиришнинг шахарсозлик жиҳатидан режалаштирилиши;

фуқароларнинг шахарсозлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этиши;

бинокорлик материаллари ва курилиш соҳасидаги буюмларнинг сертификатлаши;

шахарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этиш устидан давлат ва жамоат назорати;

шахарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик натижасида фуқароларга етказилган ҳамда уларнинг яшаш ва фаолият кўрсатиш мухити ёмонлашувига сабаб бўлган заарни белгиланган тартибда компенсация қилиш, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти, соғлифи ва мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш;

шахарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш орқали таъминланади.

6-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари

Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари қўйидагилардан иборат:

шахарсозлик фаолияти барча субъектлари томонидан шахарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши;

худудлар ва ахоли пунктларини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;

маданий мерос обьектларини ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларни сақлаш талабларига риоя этиш;

ахоли пунктларини ахоли пунктининг мазкур тури учун шахарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган ахолига хизмат кўрсатиш даражасидан кам бўлмаган муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилма обьектлари, рекреация ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган обьектлар, шунингдек худудларни ободонлаштириш обьектлари билан таъминлаш;

ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма обьектларидан (уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, дам олиш жойлари, маданий-томуша муассасалари ва бошқа обьектлардан) монеликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш;

шахарсозлик фаолияти соҳасида қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида фуқаролар, жамоат бирлашмалари иштирок этиши учун шароитларни таъминлаш;

шахарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган тақдирда юридик ва жисмоний шахсларга етказилган заарнинг ўрни қопланиши.

7-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солиниши

Агар ҳудуддан фойдаланишнинг махсус қоидаларини жорий этмай туриб, шахарсозлик соҳасида жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини таъминлаш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса, шахарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солинади.

Алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган шахарсозлик фаолияти обьектлари

(бундан бўён матнда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган обьектлари деб юритилади) умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Мазкур обьектларни умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик обьектлар жумласига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарсозлик фаолияти қўйидаги ҳолларда алоҳида тартибга солиниши лозим: худудлар ва аҳоли пунктлари табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учрагандা;

худудлар концентрацияси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ кимёвий ва биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар, йўл қўйиладиган даражадан ортиқ микдордаги радиоактив моддалар билан ифлосланганда;

мазкур фаолият алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларда амалга оширилаётгандা.

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган обьектлари жумласига қўйидаги аҳоли пунктлари киритилиши ҳам мумкин:

Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шахри;

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукус шахри;

вилоятларнинг маъмурий маркази бўлган шаҳарлар;

худудида маданий мерос обьектлари бўлган шаҳарлар;

курорт-шаҳарлар;

қўриқхона-шаҳарлар;

яшаш ва фаолият қўрсатишнинг алоҳида режими белгилантан аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар ва ўзга режимли худудлар, давлат қўриқхоналаридағи, миллӣй боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлардаги аҳоли пунктлари).

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган обьектлари чегаралари маъмурий-худудий тузилмалар чегараларига тўғри келмаслиги мумкин ҳамда улар қонун ҳужжатларига мувоғиқ белгиланади.

Худудлар ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш худудлардан фойдаланишнинг қўйидагилар қамраб олинган маҳсус қоидаларини жорий этиш йўли билан амалга оширилади:

маҳсус шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари;

شاҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартиби;

обьектлар қурилишига маҳсус руҳсатномалар бериш.

Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган худудлар ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш:

худудлар ва аҳоли пунктларини мазкур таъсиридан химоя қилишнинг маҳсус тархлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини комплекс мухандислик қидиувлари натижаларини ҳисобга олмасдан туриб ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни тақиқлаш орқали амалга оширилади.

Концентрацияси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ кимёвий ва биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар, йўл қўйиладиган даражадан ортиқ микдордаги радиоактив моддалар билан ифлосланган худудлар, агар бундай худудлarda аҳолининг яшаси ҳамда хўжалик ва бошқа фаолият олиб бориши инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдираётган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилинши ва уларга маҳсус ишлов берилishi лозим. Мазкур худудларнинг ифлосланиш даражасига ҳамда уларни соғломлаштириш усулига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан улардан фойдаланишнинг алоҳида режими жорий этилиши ёки бошқа функционал максади белгиланиши мумкин.

Маданий мерос обьектлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлари

бўлган худудларда ва аҳоли пунктларида муҳофаза зоналарининг чегаралари белгиланиб, улар доирасида маданий мерос объектларига, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларга зарар етказадиган ёки уларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ҳамда уларнинг яхлитлигини ва сақланишини бузадиган хўжалик ҳамда бошқа фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Маданий мерос объектларининг, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг муҳофаза зоналари чегаралари шаҳарсозлик хўжжатлари билан белгиланади ҳамда қонун хўжжатларida белгиланган тартибида тасдиқланади.

8-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги мажбуриятлари

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахслар: яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитини муҳофаза қилишлари;

шаҳарсозлик хўжжатларига, аҳоли пунктлари ва худудларни куриш коидаларига (бундан бўён матнда куриш коидалари деб юритилади) риоя этилишини таъминлашлари;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек санитария нормалари ҳамда қоидаларига риоя этишлари;

атроф-муҳитга, маданий мерос объектларига, шаҳар, қишлоқ ландшафтларига, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектларига, худудларни ободонлаштириш объектларига зарарли таъсир этадиган, учинчи шахсларнинг қонуний манбаатларига дахл этадиган ҳамда чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ёки мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари амалга оширилишига монелик қиласидиган хатти-харакатлар содир этмасликлари;

ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларидан шаҳарсозлик регламентларига риоя этган ҳолда фойдаланишлари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун хўжжатларига риоя этилиши устидан текшириш ва назоратни амалга оширадиган давлат органларининг кўрсатмаларини бажаришлари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун хўжжатларига риоя этилиши устидан текшириш ва назоратни амалга оширадиган давлат органларининг мансабдор шахсларига кўмаклашишлари;

ўзларига тегишли объектлардаги ўзгаришлар ҳақида давлат шаҳарсозлик кадастри ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг мониторинги юритилишини амалга оширадиган органга ҳамда объектларни техникавий инвентаризациядан ўтказадиган ташкилотларга ишончли маълумотлар тақдим этишлари;

шаҳарсозлик хўжжатларининг материалларини, шу жумладан комплекс муҳандислик қидирувларининг материалларини шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаларига белгиланган тартибида тақдим қилишлари шарт.

9-модда. Аҳоли пунктларининг турлари

Аҳоли пунктлари шаҳар аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари) ва қишлоқ аҳоли пунктларига (қишлоқлар, овуллар) бўлинади.

Аҳоли сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари қўйидагиларга бўлинади:

энг йирик аҳоли пункти — аҳолисининг сони бир миллиондан ортиқ кишидан иборат;

йирик аҳоли пункти — аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача кишидан иборат;

кatta аҳоли пункти — аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;

ўртacha аҳоли пункти — аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти — аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Аҳоли сонига қараб қишлоқ аҳоли пунктлари қўйидагиларга бўлинади:

йирик аҳоли пункти — аҳолисининг сони беш мингдан ортиқ кишидан иборат;

кatta аҳоли пункти — аҳолисининг сони уч мингдан беш минггача кишидан иборат;

ўртacha аҳоли пункти — аҳолисининг сони бир мингдан уч минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти — аҳолисининг сони бир минггача кишидан иборат.

Вақтинчалик аҳамиятга молик ва аҳоли таркиби доимий бўлмаган ҳамда иқтисодиёт тегишли тармоғининг хизмат мақсадидаги обьектлар хисобланадиган бинолар ва иншоотларнинг гурухлари (вахта усулида ишловчи нефтчилар, газчилар, қидирувчиларнинг посёлкалари ҳамда уйлари), шунингдек алоҳида, якка турган уйлар (темир йўл назоратчиларининг, ўрмончиларнинг уйлари, дала шийпонлари ва бошқалар) бу бино ва иншоотлар маъмурий, ишлаб чиқариш ёки худудий муносабатларда қайси шаҳарсозлик фаолияти субъектлари билан боғлик бўлса, худди шу субъектлар тасаруфида бўлади.

Аҳоли пунктнинг турига қараб қонун ҳужжатларида шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби белгиланади.

Янги аҳоли пунктларини жойлаштириш ҳамда мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш аҳоли пункти турига, ижтимоий-иктисодий ва шаҳарсозлик истиқбоглига, Ўзбекистон Республикаси худудида ахолини жойлаштириш бош тарҳига, худудларни режалаштириш тарҳлари ҳамда туманни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳаларига, аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек бундай пунктларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли пунктларини ташкил этиш ҳамда қайта ташкил этиш, уларнинг мақомими ва чегараларини ўзгартириш тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аҳоли пунктлари чегараларидаги ерлар тасдиқланган бош режаларга мувофиқ улардан фойдаланишнинг тартибга солинишини амалга оширувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасаруфида бўлади.

Аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш шартлари ва тартибига доир шаҳарсозлик талаблари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

10-модда. Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишидаги иштироки

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитининг ҳолати, тахмин қилинаётган ўзгаришлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, уй-жой-фуқаролик обьектларининг қурилиши, реконструкцияси, худудларнинг ободонлаштирилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг ўтказилиши тўғрисида ўз вақтида ва ишончли, тўлик ахборот олиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти ҳақидаги ўзга ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида хабардор қилиш давлат органлари томо-

нидан оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек жамоат мухокамалари ўтказиш, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар уларни мухокама қилиш, уларга таклифлар киритиш ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларни тайёrlашда иштирок этиш хукуқига эга.

Давлат органлари фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг манфаатларига дахлдор, шаҳарсозлик фаолияти масалаларига тааллукли мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқадилар ва уларга белгиланган муддатларда асосли жавоблар тақдим қиладилар.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, башарти шаҳарсозлик фаолияти уларнинг манфаатларига дахл этадиган бўлса, куйидаги хукуқларга эга:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда бинолар, иншоатлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши, лойихалаштирилиши, қурилиши, реконструкцияси ёки фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги қарорнинг маъмурий ёки суд тартибида бекор қилинишини талаб қилиш;

корхоналар фаолиятини, шунингдек бошқа кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни, башарти уларни ишлатиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилаётган бўлса, маъмурий ёки суд тартибида чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тақиқлашни талаб қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш;

шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг мустақил экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш.

11-модда. Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган заарнинг ўрни қопланиши

Юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида ёки ер участкалари олиб қўйилганлиги ҳамда уларга тегишли бўлган бинолар, иншоатлар ва бошқа объектлар бузилганлиги муносабати билан етказилган заарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида қопланиши лозим.

II боб. ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЬЕКТЛАРИ

12-модда. Шаҳарсозлик фаолияти объектлари

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳоли пунктларининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳолини жойлаштириш умумдавлат ва минтақавий тизимлари, ер участкалари, бинолар ва иншоатлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик ва ландшафт мажмуалари, рекреацион ва ишлаб чиқариш зоналари, маданий мерос объектлари ва уларнинг муҳофаза зоналари, аҳоли пунктлари чегараларидаги ва аҳоли пунктлариаро ҳудудлардаги акваториялар, мухандислик ва транспорт коммуникациялари шаҳарсозлик фаолиятининг объектларидир.

Шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқилади.

13-модда. Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик фаолияти субъектлариридир.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар;

шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар;

объектларнинг қурилиши бўйича пурратчилар;

шаҳарсозлик фаолияти объектларидан фойдаланувчилар сифатида иш кўришлари мумкин.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари тегишли давлат органларидан аҳоли пунктлари, уларнинг тизимлари ва худудларини режалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ бўлган, ўзларининг шаҳарсозлик фаолиятига таъсир этадиган қарорлар тайёрланиши ва қабул қилиниши хақида ахборот олиш хукуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ ўзларига мулк қилиб, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилган ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланишлари, шунингдек маданий мерос объектларига, табиий ва сунъий ландшафтларга зарар етказмасликлари, яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ёмонлашувига, шаҳарсозлик фаолияти бошқа субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган хатти-харакатларга йўл қўймасликлари шарт.

14-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар:

шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчини танлаш ҳамда уларни ишлаб чиқишга доир шартнома тузиш;

объектларнинг қурилиши бўйича пурратчини танлаш ва у билан шартнома тузиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа харакатларни амалга ошириш хукуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этишлари;

шаҳарсозлик хужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминлашлари;

лойиҳалаштириш жараёнини текшириб боришилари ва қурилиш сифати устидан техникавий назорат қилишлари;

шаҳарсозлик хужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари шарт.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар

Тегишли лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчи:

ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик хужжатларининг таркиби ва ҳажмини қонун хужжатларига мувофиқ белгилаш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишига доир танловларда иштирок этиш; шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назоратини олиб бориш;

курилиш, монтаж ва маҳсус ишлар тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва норматив талаблардан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, маданий мерос объектлари шикастланиши ва йўқ килиниши хавфини туғдирадиган, шунингдек жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирадиган тарздаги четга чиқишилар билан бажарилганда қурилиш, монтаж ва маҳсус ишларни тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ҳақида таклифлар киритиш;

зарурат бўлган тақдирда шаҳарсозлик ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа харакатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчilar шаҳарсозлик тўғрисидаги конун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари шарт.

16-модда. Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар

Ўз фаолиятини конун ҳужжатлари асосида олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар объектлар қурилиши бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар:

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг янги амалий ечимларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг тегишли таркиби бўлинмаси ва буюртмачи билан келишган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг архитектура-бадиий кўриниши ҳамда амалий ечимини ёмонлаштирган тарзда техник-иктисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгартишлар киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчидан зарур техник маслаҳат олиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа харакатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар шаҳарсозлик тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этишлари шарт.

III боб. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

17-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шаҳарсозлик соҳасида комплекс давлат дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив ҳужжатлар қабул қиласди;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борилиши тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси худудида ахолини жойлаштириш бош тарҳини ҳамда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудини режалаштириш тарҳларини, умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик хужжатларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

қонун хужжатларида белгиланган ваколати асосида шаҳарларнинг бош режаларини тасдиқлайди;

шаҳар атрофи зоналарининг чегараларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар худудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб бориш тартибини ўрнатади;

умумдавлат аҳамиятига молик объектларнинг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишини молиялаштириш тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида лицензиялаш тартибини ўрнатади;

шаҳарсозлик хужжатларининг давлат экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини ўрнатади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ташкилий тузилмасини белгилайди;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

19-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек уй-жой фонди ҳамда жамоат ва ишлаб чиқариш объектлари сакланишини таъминлайди;

ахолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қиласи;

маҳаллий аҳамиятга молик объектларни қуришга доир шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради, бундай объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

ўз худудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият ушбу Кодекс ва бошқа қонун хужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди;

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режалари ишлаб чиқилишини ташкил этади;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, аҳоли пунктлари худудларининг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини (бундан буён матнда батафсил режалаштириш лойиҳаси деб юритилади) ва даҳаларни, мавзеларни ҳамда аҳоли пунктларини ташкил этади;

лари режалаштирилган тузилмаларининг бошқа қисмларини қуриш лойихаларини (бундан бўён матнда қуриш лойихаси деб юритилади) тасдиқлайди;

вилоятлар худудини режалаштиришнинг тарҳлари, мұхандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг, шунингдек ободонлаштиришнинг тарҳлари ва лойихалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

туманни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойихаларини тасдиқлайди;

маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

қуриш қоидаларини тасдиқлайди;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳидаги илмий тадқиқотлар ишлаб чиқилиши ва молиялаштирилишини, давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини, шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини, комплекс мұхандислик қидируглари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудларга бўлиш ҳариталари тузишни, шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини ва бундай ҳужжатлар экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини мунтазам равишида хабардор қилиб боради;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

20-модда. Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари:

шаҳарсозлик тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек ўй-жой фонди, жамоат ҳамда ишлаб чиқариш объектлари сакланишини таъминлайди;

аҳолини оқилона жойлаштириш, мұхандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этади;

маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг қурилишига доир шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради ҳамда бундай объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

ўз ҳудудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият мазкур Кодекс ва бошқа конун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди;

ўзбошимчалик билан қурилган объектлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида бузуб ташланишини ташкил этади;

туманларни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойихаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини, батағсил режалаштириш лойихаларини, қуриш лойихаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

бинолар, иншоотлар ҳамда аҳоли пунктлари бошқа объектларининг техник ҳолати инвентаризациядан ўтказилишини ташкил қиласи;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини мунтазам хабардор қилиб боради;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ушбу модда саккизинчи хатбошисидаги қоидалар шаҳар таркибига киравчи туманларнинг давлат ҳокимияти органларига нисбатан татбик этилмайди.

21-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи ишлаб чиқилишини ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гурӯхлари) ҳудудини режалаштириш тарҳлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартиба солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

тасдиқланиши ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига берилган шаҳарларнинг бош режаларини истисно қилганда, шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қисмларини, вилоятларнинг маъмурий марказларини, шунингдек маданий мерос объектларига эга бўлган шаҳарларни батафсил режалаштириш лойихаларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартиба солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳакида ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг давлат экспертизаси ҳамда қурилишда стандартлаштириш ва бинокорлик материаллари ҳамда буюмларини сертификатлаш ишлари ўтказилишини таъминлайди;

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини ва шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилиши тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти айrim турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

аҳолини шаҳарсозлик фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимиға қуйидагилар киради:

Қорақалпогистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат экспертизаси бош бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларига (бўлимларига) тегишинча бош архитекторлар бошчилик қиласи.

Қорақалпогистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шунингдек туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) ўз ваколатларига тааллукли масалаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура

ва қурилиш қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсунадилар.

22-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатлари

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари:

вилоят, Тошкент шаҳар худудини режалаштириш тарҳлари ҳамда туманларни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳалари, ахоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз худудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

вилоят, Тошкент шаҳар худудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

вилоят, Тошкент шаҳар худудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

вилоят, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти обьектларини жойлаштириш ҳамда тегишли худудда мухандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик беради;

тегишли худуддаги шаҳарсозлик фаолияти обьектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс мухандислик қидибувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чикувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда қуриш қоидаларини ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бош қармаларининг (бўлимларининг) ваколатлари

Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари):

ахоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;

ахоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чораларини кўради;

тегишли худудда шаҳарсозлик фаолияти обьектларини жойлаштириш ҳамда мухандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат экспертизаси бош бошқармасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат экспертизаси бош бошқармаси:

шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказади;

шахарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари юза-
сидан услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

шахарсозлик ҳужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шахарсозлик ҳуж-
жатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни
кўриб чиқади;

шахарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш учун лойихалаш-
тириш, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларни, шунингдек мутахассисларни бел-
гиланган тартибда жалб қиласди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат
экспертизаси бош бошқармасининг шахарсозлик ҳужжатларига доир хуносаси маз-
кур ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун асос бўлади.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитаси Давлат архитектура-курилиш назорати бош
бошқармасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат
архитектура-курилиш назорати бош бошқармаси:

давлат архитектура-курилиш назоратини амалга оширади;

юридик ва жисмоний шахслар шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари та-
лабларига, белгиланган шахарсозлик нормалари ва қоидаларига, давлат стандартла-
рига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари сифатига риоя этишлари
устидан назоратни амалга оширади;

шахарсозлик фаолияти обьектларини рўйхатга олади ҳамда обьектлар қурили-
шига рухсатнома беради;

буюртмачининг техник назоратни амалга оширишга доир ишини текширади ва
техник назорат сифатсиз амалга оширилган тақдирда унга нисбатан жавобгарлик
чоралари қўллаш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда би-
нокорлик материаллари ва буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва
қўлланилишини, норматив талаблар ва тасдиқланган лойиха ечимлари чидамлилик
ва пухталик хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек
бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, обьектлар ўзбошимчалик билан
курилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туради;

шахарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради
ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солади;

қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича
комиссияларнинг ишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**IV боб. ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ. ДАВЛАТ
ШАҲАРСОЗЛИК КАДАСТРИ**

26-модда. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби

Шаҳарсозлик ҳужжатлари қўйидагилардан иборат бўлади:

1) Ўзбекистон Республикасининг бутун худуди ҳамда қисмларини ривожланти-
ришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси худудида ахолини жойлаштириш бош тархи;

Ўзбекистон Республикаси худудининг икки ва ундан ортиқ минтақа худудини ўз
ичига олган қисмларини ва бошқа худудларни ривожлантиришни режалаштириш тарх-

лари (бундан буён матнда шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг биринчи тархлари деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси худудини режалаштириш тарҳи;

Ўзбекистон Республикаси худудини ривожлантиришнинг тармоқ тархлари;

2) Ўзбекистон Республикаси минтақалари худудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги хужжатлар:

Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудини режалаштириш тархлари; тумани (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаси;

3) аҳоли пунктлари худудини ривожлантириш тўғрисидаги хужжатлар:

аҳоли пунктларининг бош режалари;

шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари;

аҳоли пунктлари худудини ривожлантиришнинг тармоқ тархлари;

4) аҳоли пунктлари худудини қуриш тўғрисидаги хужжатлар:

батафсил режалаштириш лойиҳаси;

қуриш лойиҳаси;

5) бинолар, иншоатлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета хужжатлари.

Қонун хужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик хужжатларининг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

27-модда. Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Шаҳарсозлик хужжатлари шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан шартномага асосан ҳамда буюртмачи берган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмаси билан келишилган топшириқ асосида ишлаб чиқлади.

Шаҳарсозлик хужжатлари қонун хужжатларидаги белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади ҳамда тасдиқланади. Ушбу Кодекс 26-моддаси биринчи кисмининг 1, 2, 3, 4-бандларида кўрсатилган шаҳарсозлик хужжатларининг тасдиқланган бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига топширилиши лозим.

Тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар хужжатларни тасдиқлаган органнинг қарорига кўра киритилади.

28-модда. Давлат шаҳарсозлик кадастри

Давлат шаҳарсозлик кадастрида қуйидагилар қамраб олинади:

топография-геодезия ва картография материаллари;

худудларнинг экологик, мухандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

мухандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари, шунингдек худудларни ободонлаштириш тўғрисидаги маълумотлар;

худудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ҳамда уларни қуриш тўғрисидаги маълумотлар;

худудларнинг зоналаштирилиши ҳамда худудий зоналарнинг шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги маълумотлар;

уй-жой фондининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

شاҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги маълумотлари.

**В боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНӢ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ЖИҲАТИДАН
РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ**

29-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи:

аҳолини жойлаштириш тизимларини, табиатдан фойдаланишни ва ишлаб чиқариш кучларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ижтимоий-иктисодий тараққӣ эттириш истиқболларига мувофиқ ривожлантиришнинг асосий қоидаларини;

минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш учун қулай ҳудудларни;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини;

рекреацион ҳудудларни;

қишлоқ ҳӯҷалиги ва ўрмон ҳӯҷалигига мӯлжалланган ҳудудларни;

экстремал табиий-иклим шароитларига эга бўлган ҳудудларни;

табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган ҳудудларни;

фойдали қазилмалар жойлашган ҳудудларни;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик жиҳатидан фойдаланишнинг бошқа турлари белгиланадиган ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар жорий этиладиган ҳудудларни;

ҳудудни ривожлантиришга доир бошқа ечимларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ишлаб чиқиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари

Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари:

ҳудуднинг зоналаштирилишини;

аҳолини жойлаштириш минтақавий тизимларини ривожлантириш чора-тадбирларини;

минтақалароро ва минтақавий аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

табиатдан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини;

ҳудудни комплекс ривожлантириш мақсадида ресурслар билан таъминлашни;

ҳудудни ривожлантиришга доир бошқа ечимларни белгилайди.

Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳларини ишлаб чиқиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари:

худуднинг зоналаштирилишини;
аҳолини жойлаштириш тизимларини такомиллаштиришнинг, аҳоли пунктлари-ни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

саноатни, қишлоқ хўжалигини, миңтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари чегараларини;

шаҳарсозлик воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, маданий мерос объектлари худудларини сақлаш чора-тадбирларини;

тегишли худудни ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудини режалаштириш тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади.

32- модда. Ўзбекистон Республикаси худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари

Ўзбекистон Республикаси худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларида:
энергия, газ таъминотини, алоқани, ирригацияни, сув таъминотини ва канализация тармоқларини ривожлантириш бўйича;

ҳаво, темир йўл, автомобиль, дарё транспорти, қувур орқали етказиб бериш транспорти ва бошқа транспорт турларини ривожлантириш бўйича;

худудни ҳавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя этиш бўйича;
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича;

иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича;

худудни ривожлантиришнинг бошқа масалалари бўйича асосий кўрсаткичлар ҳамда режалаштириш ечимлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади.

33-модда. Туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари

Туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари:

туманни (туманлар гуруҳларини) ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш хусусиятларини, табиий-иклим шароитларини ҳамда аҳоли сони истиқболини инобатга олган ҳолда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

худуднинг зоналаштирилишини ва режали тузилишини;

туман (туманлар гуруҳлари) худудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини;

аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишларини;

аҳоли пунктларини ривожлантириш учун белгиланган захира худудни;

якка тартибда уй-жой қуриш, боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларини жойлаштириш учун белгиланган худудни;

аҳоли дам оладиган жойларни ташкил этиш учун белгиланган худудни;

аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари чегараларини;

туман (туманлар гуруҳлари) худудини ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

34-модда. Аҳоли пунктининг бош режаси

Аҳоли пунктининг бош режаси:

аҳоли пункти ҳудудини ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш хусусиятларини, табиий-иклим шароитларини ҳамда аҳоли сони истиқболини инобатга олган ҳолда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

ҳудуднинг зоналаштирилишини ва қуриш навбатини;

аҳоли пункти ҳудудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш, мухандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

аҳоли пунктининг қурилган ва қурилмаган ҳудуди нисбатини;

аҳоли пунктини ривожлантириш учун белгиланган захира ҳудудни;

аҳоли пунктининг чегараларини;

аҳоли пункти ҳудудини ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

Шаҳарнинг бош режаси ва шаҳар атрофи зонасини режалаштириш лойиҳаси чегарадош ҳудудларнинг давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги келишув асосида ягона хужжат сифатида ишлаб чиқилиши мумкин.

Аҳоли сони йигирма минг кишигача бўлган кичик шаҳарларнинг ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаси батағсил режалаштириш лойиҳаси билан бирга ягона хужжат сифатида ишлаб чиқилиши мумкин.

Ҳудудида маданий мерос объекtlари бўлган аҳоли пунктининг бош режаси ишлаб чиқилаётганда мазкур аҳоли пунктининг тарихий-архитектура режаси ва маданий мерос объекtlарининг муҳофаза зоналари инобатга олинади.

Бош режалар, хусусан:

конун ҳужжатларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киритилган шаҳарларнинг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари тегишли туманлар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятларнинг ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Аҳоли пункти бош режасининг асосий қоидалари бу режа тасдиқлангунга қадар манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан белгиланган тартибда келишилган бўлиши лозим.

Аҳоли пунктининг янги бош режаси ишлаб чиқилаётган даврда аҳоли пункти ҳудудида жорий қурилиш учун ер ажратишига тааллукли масалалар режани ишлаб чикувчи билан белгиланган тартибда келишилган бўлиши керак.

Объекtlарнинг аҳоли пунктлари ҳудудида бош режа ва бошқа зарур шахарсозлик ҳужжатларисиз лойиҳалаштирилиши ва қурилиши тақиқланади.

35-модда. Шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари

Шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари ҳудудларни режалаштириш тарҳлари, тумanni (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳалари ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалари асосида ишлаб чиқилади.

Аҳолиси йигирма минг кишигача бўлган кичик шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар чизиги лойиҳалари, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлка чизиги лойиҳалари мазкур аҳоли пунктларининг бош режаси таркибида ишлаб чиқилиши мумкин.

Шаҳарларнинг шаҳар чизиги лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Шаҳар посёлкаларининг шаҳар чизиги лойиҳалари вилоятларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлча чизиги лойиҳалари туманларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

36-модда. Аҳоли пунктлари худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари

Аҳоли пунктлари худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларида:

энергия, газ таъминотини, алоқани, ирригацияни, сув таъминотини ва канализация тармоқларини ривожлантириш бўйича;

транспорт турларини ривожлантириш бўйича;

иктисодиёт тармоқлари объектларини жойлаштириш бўйича;

худудни ҳавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя этиш бўйича;

аҳолининг фуқаро муҳофазаси бўйича;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича;

худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича;

худудни ривожлантиришнинг бошқа масалалари бўйича асосий кўрсаткичлар хамда режалаштириш ечимлари белгиланади.

Аҳоли пунктлари худудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

37-модда. Батафсил режалаштириш лойиҳалари

Батафсил режалаштириш лойиҳалари аҳоли пунктининг бош режаси асосида аҳоли пунктлари худудининг қисмлари учун ишлаб чиқилади ва бу лойиҳалар:

қизил чизикларни;

ер участкаларини қуриш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чизикларини;

ердан фойдаланиш чегараларини;

худуднинг зоналаштирилишини ва қуриш навбатини;

муҳофаза зоналаридан фойдаланиш режимини;

кўчалар, тор кўчалар, ўловчиларга ажратилган зоналарнинг, шунингдек транспорт, алоқа иншоатлари ва коммуникацияларнинг, муҳандислик ускуналари ва худудни ободонлаштириш кўрсаткичларини;

ижтимоий ва маданий-маиший объектларнинг таркиби ва жойлашувини;

қуришнинг ҳажмий-худудий ва архитектура-режали ечимини, қуриш зичлиги ва кўрсаткичларини, бинолар ва иншоатларнинг неча қаватлилиги хамда турларини белгилайди.

Батафсил режалаштириш лойиҳаси қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

38-модда. Қуриш лойиҳалари

Қуриш лойиҳалари батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси асосида, белгиланган қизил чизиклар чегараларида ёки ер участкалари чегараларида ишлаб чиқилади.

Қуриш лойиҳалари:

қуришни тартибга солиш чизикларини;

бинолар ва иншоотларнинг жойлашуви, неча қаватлилиги, тури ҳамда бошқа тавсифларини;

қуришнинг архитектура ечимини;

муҳандислик ускуналари, алоқа ва ободонлаштириш тизимларини, шунингдек мазкур тизимларни ахоли пунктларининг ер участкалари, мавзелари, даҳалари ва режалаштирилган тузилмасининг бошқа қисмлари доирасидан ташқарида бўлган муҳандислик ускуналари, алоқа ҳамда ободонлаштириш тизимлари иншоотлари ва коммуникацияларига улаш шартларини;

транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати қандай ташкил этилишини;

умум фойдаланишдаги худудларни белгилайди.

Туманларнинг, шаҳарларнинг давлат ҳокимияти органлари қуриш лойиҳаларига маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид бўлмаган қўшимча талаблар, шу жумладан маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналарида лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришга, худудларни кўка-ламзорлаштиришга, кичик шаклдаги архитектура объектларини, реклама, пешлавҳалар ва бошқа ахборотни жойлаштиришга доир талаблар киритишга ҳақли.

39-модда. Лойиҳа-смета ҳужжатлари

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ҳамда капитал таъмирланиши, шунингдек ободонлаштириш ишлари кийматини белгилайди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркиби бўлинмалари, санитария-эпидемиология хизматлари, ёнфинга қарши назорат хизматлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа хизматлар билан келишиб олинади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш буюртмачининг ташаббуси билан ва унинг ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари объектлар қурилиши учун рухсатнома беришга асос бўлади.

VI боб. АХОЛИ ПУНКТЛАРИ ВА ШАҲАР АТРОФИ ЗОНАЛАРИ ХУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

40-модда. Қуриш қоидалари

Қуриш қоидалари тегишли худудларда ва ахоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Қуриш қоидалари худудни режалаштириш тархи, туманни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳалари, ахоли пунктининг бош режаси ҳамда ҳар бир худуднинг шаҳарсозлик регламентлари асосида ишлаб чиқилади.

Қуриш қоидалари кучга киргунга қадар белгиланган тартибда берилган объектлар қурилишига оид рухсатномалар мазкур рухсатномаларда кўрсатилган муддат мобайнода амал киласи, ахоли хавфсизлиги талаблари таъминланмаётган ҳоллар бундан мустасно.

41-модда. Ҳудудларнинг зоналаштирилиши

Ҳудудларнинг зоналаштирилиши яшаш ва фаолият кўрсатиш учун қулай муҳитни таъминлашга, худудларни табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар

таъсиридан муҳофаза қилишга, аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари зич жойлашиши, атроф-муҳит ифлосланиши олдини олишга, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларни, шу жумладан табиий ландшафтларни, шунингдек маданий мерос объектларини, қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва ўрмонзорларни муҳофаза қилишга ва улардан фойдаланишга қаратилгандир.

Куйидаги зоналарда худудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланади:

- маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари, қўриқхона зоналарида;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар зоналарида;
- санитария зоналарида;
- муҳофаза зоналарида;
- санитария-муҳофаза зоналарида;
- сувни муҳофаза қилиш ва соҳил бўйи минтақаси зоналарида;
- сув таъминоти манбаларини санитария йўли билан муҳофазалаш зоналарида;
- фойдали қазилмалар жойлашган зоналарда;
- табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган зоналарда;
- фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик оғат зоналарида;
- табиий-иклим шароити экстремал зоналарда.

Худудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда қонун хужжатларига мувофиқ чеклашлар бошқа зоналарда ҳам белгиланиши мумкин.

Худудларнинг функционал мақсади ва улардан фойдаланиш жадаллиги худудлардан фойдаланишдаги чеклашлар хисобга олинган ҳолда белгиланади.

42-модда. Аҳоли пунктларининг худудий зоналари

Аҳоли пунктларининг худудларида қуйидаги худудий зоналар белгиланиши мумкин:

- турад жой зоналари;
- ижтимоий-амалий зоналар;
- ишлаб чиқариш зоналари;
- муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари;
- рекреацион зоналар;
- қишлоқ ҳўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар;
- маҳсус мақсадларга мўлжалланган зоналар;
- харбий объектлар ва режимли бошқа худудлар зоналари;
- شاҳар атрофи зоналари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳаллий шароитларга мувофиқ бошқа худудий зоналар белгилаши, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини инобатга олган ҳолда уларга ер участкалари ва бошқа объектларни киритиши мумкин.

Аҳоли пунктлари худудий зоналарининг чегаралари қизил чизиқларни, табиий объектларнинг табиий чегараларини, ер участкаларининг чегаралари ва бошқа чегараларни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир худудий зона шаҳарсозлик регламенти билан белгилangan хуқуқий режим унда жойлашган барча ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга нисбатан бир хил қўлланилади.

Чегараларида шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган худудий зоналарда айрим бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалаштирилиши ва қурилишига нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

43-модда. Тураг жой зоналари

Тураг жой зоналари кўп қаватли уйлар, ўртача ва кам қаватли уйлар, якка тартибдаги уйлар қуриш учун мўлжалланган бўлади.

Тураг жой зоналарида санитария-мухофаза зоналари белгилаш талаб этилмайдиган ҳамда фаолияти атроф-мухитга заарли таъсир (шовқин, тебраниш, магнит майдонлари, радиация таъсири, тупрок, ҳаво, сувнинг ифлосланиши ва бошқа заарли таъсирлар) этмайдиган, алоҳида турган, биргаликда қурилган, биргаликда-қўшимча қилиб қурилган ёки қўшимча қилиб қурилган ижтимоий ва маданий-маиший обьектларнинг, ибодатхоналарнинг, автомобиль транспорти қўйиладиган маҳсус жойларнинг, саноат, коммунал ва омборхона обьектларининг жойлаштирилишига йўл қўйилади.

Тураг жой зоналари жумласига ахоли пунктлари чегаралари доирасида жойлашган боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатларининг ҳудудлари ҳам киради.

44-модда. Ижтимоий-амалий зоналар

Ижтимоий-амалий зоналар амалий, молиявий, ижтимоий фаоллик марказлари, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат қўрсатиш обьектлари, таълим муассасалари, маъмурий, илмий-тадқикот муассасалари, ибодатхоналар ва бошқа бино ҳамда иншоотлар, шунингдек автомобиль транспорти қўйиладиган маҳсус жойлар жойлаштирилишига мўлжалланган бўлади.

Ижтимоий-амалий зоналарга жойлаштириш рухсат этиладиган обьектлар рўйхатига уйлар, меҳмонхоналар, ер ости ёки кўп қаватли гаражлар киритилиши мумкин.

45-модда. Ишлаб чиқариш зоналари

Ишлаб чиқариш зоналарида уларнинг иш олиб боришини таъминлайдиган саноат, коммунал, омборхона обьектлари, муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар обьектлари жойлаштирилади, шунингдек бундай обьектларнинг санитария-мухофаза зоналари барпо этилади.

Саноат, коммунал ва омборхона обьектларининг санитария-мухофаза зонасида уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш обьектлари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари жойлаштирилишига, шунингдек қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиширилишига йўл қўйилмайди.

Ишлаб чиқариш зоналарининг ҳудудларини ободонлаштириш шу зоналарда жойлашган обьектларнинг мулкдорлари томонидан амалга оширилади.

46-модда. Муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари

Муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари ҳаво, темир йўл, автомобиль, дарё транспорти ва қувур орқали етказиб бериш транспорти, алоқа иншоотлари ҳамда коммуникациялари ва муҳандислик ускуналари жойлаштирилиши ҳамда ишлаб туриши учун мўлжалланган бўлади.

Яшаш ва фаолият қўрсатиш муҳитига транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари ҳамда муҳандислик ускуналари заарли таъсир қўрсатишининг олдини олиш бундай обьектлардан турар жой, ижтимоий-амалий ва рекреацион зоналар ҳудудигача зарур оралиқ масофа бўлиши ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шунингдек қуришнинг маҳсус нормативлари ва қоидаларига мувофиқ бошқа талабларга риоя этилиши орқали таъминланади.

Транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари, муҳандислик ускуналари ер участкалари чегараларидаги ҳудудлар ва уларнинг санитария-мухофаза зоналари мазкур ер участкаларининг мулкдорлари томонидан ободонлаштирилиши лозим.

Фойдаланилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри заарали таъсир кўрсатадиган транспорт, алоқа ишоотлари ва коммуникацияларини ҳамда муҳандислик ускуналарини ахоли пунктлари доирасида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

47-модда. Рекреацион зоналар

Рекреацион зоналар ахолининг дам олиш жойларини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, уларга шахар дараҳтзорлари, ўрмон-боғлар, пляжлар, соҳил бўйи объектлари ва бошқа объектлар киради. Рекреацион зоналарга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва табиий объектлар киритилиши мумкин.

Рекреацион зоналар худудларида рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига молик объектлардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат, коммунал ва омборхона объектлари қурилишига ҳамда мавжуд шундай объектларнинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди.

48-модда. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар

Шахар ва посёлка чизиги доирасида ҳайдаладиган ерлар, боғлар, токзорлар, полизлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқа ер майдонлари, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бинолар ва ишоотлар эгаллаб турган қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар ажратилади. Мазкур зоналарнинг худудларидан фойдаланиш тури бош режа ва қуриш қоидаларига мувофиқ ўзгартирилгунинг қадар бу худудлардан қишлоқ хўжалигини юритиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

49-модда. Махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар

Фойдаланилиши ахоли пунктлари худудий зоналарининг бошқа турларидан фойдаланишга тўғри келмайдиган қабристонларни, ўлаксалар кўмиладиган жойларни, майший-рўзгор чиқиндилари ташланадиган ахлатхоналар ва бошқа объектларни жойлаштириш учун махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар ажратилади.

Махсус мақсадларга мўлжалланган зоналарнинг худудларидан фойдаланиш тартиби шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг, шунингдек махсус нормативларнинг талаблари инобатга олинган ҳолда қуриш қоидалари билан белгиланади.

50-модда. Ҳарбий объектлар ва режимли бошқа худудлар зоналари

Ҳарбий объектлар ва режимли бошқа худудлар зоналари алоҳида режим жорий этиладиган объектларни жойлаштириш учун мўлжалланган худудлардир. Мазкур зоналарнинг худудларидан шахар ва посёлка чизиги доирасида фойдаланиш тартиби қуриш қоидаларига мувофиқ, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг, шунингдек махсус нормативларнинг талаблари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

51-модда. Шаҳар атрофи зоналари

Шаҳар атрофи зонаси шаҳар чегарасидан ташқаридаги, шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий, хўжалик худудини ташкил этувчи ҳамда мазкур шаҳар худудини, унинг шаҳар атрофи зonasига кирувчи ахоли пунктлари худудларини, ахоли пунктлариаро худудларни (шаҳарни ривожлантириш учун мўлжалланган захира худудни) ривожлантириш учун ҳамда саноат, коммунал ва омборхона объектларини, муҳандислик, транспортга оид инфратузилмалар объектларини, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги участкаларини, ахоли дам олиш жойларини жойлаштириш, шунингдек қишлоқ хўжалигини юритиш ҳамда муҳофаза ва санитария-гигиена вазифаларини бажариш учун мўлжалланган ерлардан иборат бўлади.

Шаҳар атрофи зоналари чегараларини белгилаш шаҳарсозлик ва ер тузиш хужжатлари асосида ушбу Кодекс ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

52-модда. Шаҳар атрофи зонаси худудидан фойдаланиш

Шаҳар атрофи зонаси худудидан фойдаланиш ҳамда унинг чегараларидағи шаҳарсозлик фаолияти шу шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари, аҳоли пунктлариаро ҳудудлар аҳолисининг манфаатларини, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти бошқа субъектларининг манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Шаҳар атрофи зоналари ҳудудларининг зоналаштирилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларида, туманни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳаларида, шунингдек шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган бош режаларида белгиланади.

Шаҳар атрофи зоналарида санитария ва рекреацион вазифаларни бажарадиган кўкаламзор зоналар ажратилади. Кўкаламзор зоналарда атроф-мухитга зарарли таъсир этадиган хўжалик ва бошқа хил фаолият олиб бориш тақиқланади.

Шаҳарни шаҳар атрофи зонаси чегараларида ривожлантириш учун ҳудудлар доирасида бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектларнинг қурилиши, реконструкцияси ва кенгайтирилиши шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

53-модда. Аҳоли пунктларида ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари

Ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари, қуриш лойиҳалари ва қоидалари билан белгиланади.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари ер участкалари берилётганда буюртмачиларга ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари тўғрисидаги куйидагилардан иборат бўлган ахборот тақдим этадилар:

- ер участкаларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад;
- ер участкаларининг жойлашган манзили;
- ер участкаларининг лойиҳа бўйича чегаралари;
- ер участкаларининг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар обьектлари билан таъминланганлиги.

Юридик ва жисмоний шахсларга қуриш учун ер участкалари берилганда (реализация қилинганда) туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан обьектларнинг қурилиш муддатларига риоя этиш ҳамда қуриш мўлжалланган жойга туташ умумий фойдаланишдаги ҳудудни ободонлаштириш талаблари белгиланади.

Янги қурилиш шу иш олиб борилаётган мазкур туман аҳолисининг тегишли хизматлар билан таъминланиши шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган нормалардан пасайишига олиб келадиган бўлса, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг қўшимча обьектларини қуришда улушбай иштирок этиш (якка тартибдаги ўйларни қурувчилар бундан мустасно) шарти билан берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган талаблар ер участкаларига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сақланиб қолади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

худудий зонанинг қуриш коидаларида белгиланган коди; ер участкаси жойлашган худудий зонанинг функционал мақсади; ер участкаси ёки унинг қисми маданий мерос объектларининг, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг муҳофаза зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари чегараларида, шунингдек табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган худудлар ва ахоли пунктларининг ҳамда фойдаланилишига конун хужжатларида чеклашлар белгиланувчи бошқа худудларнинг чегараларида жойлашганлиги;

ер участкаси чегараларида муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфраструктузилмалар объектларининг мавжудлиги, мазкур объектлар кўрсаткичлари ва улардан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда;

ер участкаси чегараларида ер участкаси мулкдорига, эгасига ёки бу участкадан фойдаланувчига тегишли бўлмаган бинолар ва иншоотларнинг мавжудлиги, мазкур ер участкасида кўрсатиб ўтилган объектлар жойлашгани муносабати билан ундан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда.

Ер участкалари бўлиб берилганида ёки уларнинг чегаралари ва кўрсаткичлари ўзгарганида қизил чизикларга, қуришни тартибга солиш чизикларига ва шахарсозлик регламентларининг энг кичик ўлчамдаги ер участкаларига доир талабларига риоя этилади.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар бўлинган тақдирда уларнинг қисмлари мустақил обьект сифатида иш олиб бориши учун шароитлар таъминланиши керак.

54-модда. Объектлар қурилишига рухсатнома

Объектлар қурилишига рухсатнома — ер участкаси мулкдори, эгаси ёки бу участкадан фойдаланувчининг ер участкасида қуришни амалга ошириш хукуқини тасдиқловчи хужжат.

Объектлар қурилишига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилади.

Объектлар қурилишига рухсатнома буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг тегишли таркиби ўлчамасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Объектлар қурилишига рухсатнома мавжудлиги ҳақидаги ахборотни буюртмачи барча юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг талабларига биноан тақдим этади. Буюртмачи қурилиш бошланадиган муддат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг тегишли таркиби ўлчамасига ахборот тақдим этиши шарт.

Якка тартибдаги уй қурилиши ўйнинг пойдевори, ертўласи, қаватлари, кесим ва олд томонларининг режалари, шунингдек ер участкаси режасидан иборат бўлган соддалаштирилган лойиха бўйича амалга оширилиши мумкин.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга бўлган мулк хукуки бошқа шахса ўтганда уларнинг қурилишига доир рухсатноманинг кучи сақланиб қолади ва бу рухсатнома белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

55-модда. Махсус рухсатномалар

Конун хужжатларига мувофиқ давлат сирлари билан боғлиқ объектлар, шунингдек алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти обьектлари қурилишига махсус рухсатномалар берилади.

**56-модда. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер участка-
ларига доир сервитут ва ер участкаларига бўлган
хуқуқларни сақлаш вазифаси**

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда сервитут бинолар ва иншоотлар мулкдорларининг манфаатлари қўйидаги ишларни бажаришда ўзга ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш хуқуқисиз таъминланиши мумкин бўлмаган тақдирда белгиланади:

бинолар ва иншоотларнинг курилиши, реконструкцияси ва таъмирланиши;
муҳандислик инфратузилмаси обьектларининг курилиши, реконструкцияси, таъ-
мирланиши ва улардан фойдаланилиши;
худудларни сув тошиш ва сув босишдан ҳимоялаш ишлари ўтказилиши;
ўзга ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;
бинолар ва иншоотлар мулкдорларининг ўзга эҳтиёжларини таъминлаш.

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер участкаларига бўлган хуқуқлар-
ни сақлаш вазифаси ер участкалари мулкдорлари, эгалари ва бундай участкалардан
фойдаланувчилар мажбуриятларини ва уларнинг хуқуқлари чекланишини қамраб олади
ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қуриш қоидалари асосида белгиланади.

Ер участкаларига доир сервитутнинг ва ер участкаларига бўлган хуқуқларни
сақлаш вазифасининг жорий этилиши ҳамда бекор қилиниши тартиби қонун ҳуж-
жатлари билан белгиланади.

VII боб. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

57-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти

Шаҳарсозлик фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, буюрт-
мачиларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари, шунингдек юридик ва
жисмоний шахсларнинг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилма-
ларни ривожлантиришда улушбай иштирок этиши ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарсозлик фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялашти-
риш:

ушбу Кодекс 26-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4-бандларида назарда ту-
тилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиша;

шаҳарсозлик фаолиятининг илмий-тадқикот ишларини олиб боришда, шаҳарсоз-
лик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиша;

фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик фалокат зоналарини, тарихий ман-
зилгоҳларни, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ҳамда
ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли умумдав-
лат дастурларини, бошқа белгиланган мақсадли умумдавлат дастурларини ишлаб
чиқиша ва амалга оширишда, шунингдек давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиша
амалга оширилади.

Агар ҳудудни шаҳарсозлик жиҳатидан ўзлаштириш давлат манфаатлари, минтақа-
ларо манфаатлар ёки аҳоли пунктлари гурухлари манфаатларига дахл этадиган
бўлса, шаҳарсозликнинг ўзга фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағлари-
дан фойдаланилади.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, махаллий давлат ҳокимияти
органлари ҳар йилги қурилишларнинг манзили кўрсатилган рўйхатларини тузиша
аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, комплекс му-
ҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудлар-
га бўлиш хариталари, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий комплекс тархлари тузиша

ни, жорий қуриш устидан муаллифлик назорати ҳамда ахоли пунктлари бош режалари амалга оширилиши мониторинги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан ўтказилишини, шаҳарсозлик ҳужжатлари келишиб олиниши ва экспертизадан ўтказилишини маҳаллий бюджет хисобидан молиялаштиришни назарда тутишлари керак.

58-модда. Низоларни ҳал этиши

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

59-модда. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

58 Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини амалга киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласи:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқлаштиурсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 264-модда) ўз кучини ўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 4 апрель,
354-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

59 Кредит уюшмалари тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади кредит уюшмаларининг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Кредит уюшмаси

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти кредит уюшмаси деб эътироф этилади.

Кредит уюшмаси Ўзбекистон Республикаси худудида банк ҳисобваракларини белгиланган тартибда очишга ҳақлидир.

Кредит уюшмаси ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Мухрда айни пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Кредит уюшмасининг фирма номида «кредит уюшмаси» сўз бирикмаси ифодалини ва у бошқа кредит уюшмаларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида «кредит уюшмаси» сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Кредит уюшмаси ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир.

Кредит уюшмаси ишлаб чиқариш, суурита, савдо-воситачилик ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

4-модда. Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш

Кредит уюшмалари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқини оладилар. Кредит уюшмасининг фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Кредит уюшмаси давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унга лицензия берилиши учун қуйидагилар тақдим этилади:

рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йиғилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмасининг устави (бундан буён матнда устав деб юритилади);

кредит уюшмаси фаолиятининг бизнес-режаси;
юридик шахслар — муассисларнинг молиявий аҳволини тасдиқловчи хужжатлар;

кредит уюшмасининг устав фонди (бундан буён матнда устав фонди деб юритилади) шаклланганлигини тасдиқловчи банк хужжати;
рўйхатга олиш йифими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов хужжати.

Хужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказади ва бир вактнинг ўзида унга лицензия беради.

Уставга киритилган ўзгартеришлар ва қўшимчалар (устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ўзгартеришлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Кредит уюшмасини давлат рўйхатига олганлик учун йифим миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Кредит уюшмасига лицензия берганлик учун тўлов олинмайди.

5-модда. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва унга лицензия беришни рад этиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва унга лицензия беришни қўйидаги холларда рад этиши мумкин:

кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур хужжатлар тақдим этилмагандан;

устав ва тақдим этилган бошқа хужжатлар қонун хужжатларига мувофиқ келмагандан;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларда ишончсиз ёки бузуб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, шунингдек бизнес-режа асосли бўлмагандан;

юридик шахс бўлмиш бир ёки бир неча муассисларнинг молиявий аҳволи қониқарсиз бўлса.

Давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш аризачига рад қилиш сабаблари кўрсатилган холда ёзма равишда юборилади.

Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий операциялар ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун хужжатларида белгиланган тартибда:

кредит уюшмаларининг ҳисоботи ва бошқа хужжатларини текширади;

кредит уюшмаларининг фаолиятига оид ахборот олади;

кредит уюшмаларининг фаолиятини текширади;

кредит уюшмаларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга оид бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

кредит уюшмаси ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талабларни белгилайди;

молиявий операциялар ўтказилишини олти ой муддатгача чеклайди;
кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ёки
лицензияни бекор қилади.

7-модда. Кредит уюшмаси аъзолари

Устав фондига пай бадалларини киритган юридик ва жисмоний шахслар кредит
уюшмасининг аъзолари хисобланади. Шахсга кредит уюшмаси томонидан берилган
сертификат унинг кредит уюшмасига аъзолигини тасдиқловчи хужжатdir. Сертифи-
кат шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томо-
нидан белгиланади.

Кредит уюшмаси аъзоларининг сони элликтадан кам бўлиши мумкин эмас.

8-модда. Кредит уюшмаси аъзоларининг хукуқлари

Кредит уюшмаси аъзолари қўйидаги хукуқларга эга:
кредит уюшмаси томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш;
кредит уюшмасини бошқаришда иштирок этиш;
кредит уюшмаси даромадининг (фойдасининг) бир қисмини белгиланган тартиб-
да олиш;
уставга мувофиқ кредит уюшмаси фаолияти тўёрисида тўлиқ ва ишончли ахбо-
рот олиш;
ушбу Конунда белгиланган тартибда кредит уюшмасидан чиқиш;
кредит уюшмаси тугатилган тақдирда ўз пай бадалларига мутаносиб равишда мол-
мulkning бир қисмини олиш.
Қонун хужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси аъзолари бошқа
хукуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

9-модда. Кредит уюшмаси аъзоларининг мажбуриятлари

Кредит уюшмаси аъзолари:
уставга риоя этишга;
кредит уюшмаси аъзоларининг умумий ўифилиши, кредит уюшмаси кенгashi (бун-
дан буён матнда кенгаш деб юритилади), кредит уюшмаси кредит қўмитаси (бундан
буён матнда кредит қўмитаси деб юритилади) ва кредит уюшмаси тафтиш комиссия-
сининг (бундан буён матнда тафтиш комиссияси деб юритилади) қарорларини бажа-
ришга;
олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ микдорда қайтаришга;
кредит уюшмасининг обруси ва кредит бериш қобилияти ошишига кўмаклашишга
мажбурдирлар.
Қонун хужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси аъзоларининг зимма-
сида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

10-модда. Кредит уюшмасининг хукуқлари

Кредит уюшмаси қўйидаги хукуқларга эга:
депозитларга қўйиш учун ўз аъзоларидан пул маблағларини жалб этиш;
ўз аъзоларига кредитлар бериш;
ўз уставига мувофиқ шартномалар тузиш ва бошқа фуқаролик-хукуқий битим-
ларни амалга ошириш;
грантлар ҳамда бепул бериладиган бошқа маблағларни олиш;
маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш;
кредит уюшмаси аъзолари молиявий мажбуриятларини бажармаганликлари ёки
лозим даражада бажармаганликлари учун тўлайдиган неустойка микдорини белгилаш;

кредитларни белгиланган тартибда жалб этиш.
Қонун хужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-модда. Кредит уюшмасининг мажбуриятлари

Кредит уюшмаси:
ўз устав фондини белгиланган энг кам миқдордан пасайтирган ҳолда сақлашга;
хисоб, хисобот ва бошқа хужжатларни юритишга;
хисоботни белгиланган тартибда эълон қилиш ва тақдим этишга;

кредит уюшмасининг аъзоси кредит уюшмаси олдидағи мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда тўланиши лозим бўлган суммани кредит уюшмасининг аъзосига тегишли бўлган пай бадали ёки депозитдан, шунингдек уларга пай бадали бўйича бериладиган дивидендлардан ва депозит бўйича тўланадиган фоизлардан ундириб олишга;

инспекция ўтказиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларига хужжатлар ва кредит уюшмаси фаолиятига оид бошқа ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлашга мажбурдир.

Қонун хужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмасининг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

12-модда. Кредит уюшмасининг жавобгарлиги

Кредит уюшмаси ўз мажбуриятлари бўйича устав фондининг жами суммаси, захиралар, тақсимланмаган даромад (фойда) ва ўзининг бошқа маблағлари доирасида жавобгар бўлади.

Кредит уюшмасининг аъзолари кредит уюшмасининг мажбуриятлари бўйича ўzlари киритган пай бадаллари доирасида жавобгар бўладилар.

13-модда. Кредит уюшмасининг таъсис ҳужжати

Кредит уюшмасининг устави унинг таъсис ҳужжатидир.
Устав кредит уюшмаси муассисларининг умумий йиғилишида қабул қилиниши керак.

Кредит уюшмаси аъзосининг, аудиторнинг, исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан кредит уюшмаси уларга устав билан танишиб чиқиш имконини беришга мажбурдир.

14-модда. Кредит уюшмасининг устави

Уставда қўйидаги маълумотлар бўлиши шарт:
кредит уюшмасининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили);
кредит уюшмасининг фаолият соҳаси ва мақсади;
устав фондининг кредит уюшмаси ташкил этилган пайтдаги миқдори;
пай бадалининг энг кам ва энг кўп миқдори;
устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби;
даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва заарларни қоплаш тартиби;
захираларни шакллантириш тартиби;
кредит уюшмаси аъзосининг ўз пай бадалини бошқа шахсга ўтказиш тартиби;
кредит уюшмаси аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари;
кредит уюшмасини бошқариш тузилмаси, шунингдек кенгаш, кредит қўмитаси, кредит уюшмаси ижро этувчи органи (бундан бўён матнда ижро этувчи орган деб

юритилади) ва тафтиш комиссияси аъзоларининг сони, уларни сайлаш (тайинлаш) тартиби, ушбу органларнинг ваколатлари;

йиллик хисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;
кредит уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Уставда қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Кредит уюшмасининг устав фонди

Кредит уюшмаси аъзолари пай бадалларининг умумий суммаси устав фонди хисобланади. Устав фонди фақат пул маблағларидан шакллантирилади.

Устав фондининг энг кам микдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида устав фонди тўлиқ тўланган бўлиши керак.

Устав фонди кредит уюшмасига янги аъзолар кириши ёки пай бадаллари микдорини ошириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Устав фонди кредит уюшмаси аъзолари уюшмадан чиқсан ёки аъзоликдан чиқарилган ҳолларда ёхуд пай бадаллари микдорини камайтириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Агар аъзолар кредит уюшмасидан чиқаётганда ёки аъзоликдан чиқарилаётганда пай бадалларининг қайтарилиши устав фондининг микдори белгиланган энг кам микдоридан камайшишига сабаб бўлса, бундай кредит уюшмаси қайта ташкил этилади ёхуд тугатилади.

Устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ва уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор кенгаш томонидан қабул қилинади.

Устав фонди кўпайтирилган ёки камайтирилганда уставга киритилган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маълум қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

16-модда. Кредит уюшмасидан чиқиш

Кредит уюшмаси аъзоси, агар унинг кредит уюшмаси олдида мажбуриятлари бўлмаса, уюшмадан чиқишга ҳақли. Бунда у ўз пай бадалини уставда белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Кредит уюшмасининг аъзоси уюшмадан чиқиши мўлжалланаётган санадан ўттиз кун олдин ўзининг кредит уюшмасидан чиқиш истаги борлигини кенгашга ёзма равишда маълум қилиши керак.

Пай бадалларининг суммаси кредит уюшмасидан чиқаётган аъзога уставда белгиланган тартибда қайтарилиши керак.

17-модда. Кредит уюшмасидан чиқариш

Кредит уюшмаси аъзоси ушбу Қонунда белгиланган мажбуриятларини бажармаган тақдирда кенгаш қарори билан кредит уюшмасидан чиқарилиши мумкин. Кредит уюшмасидан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йигилишига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Аъзонинг кредит уюшмасидан чиқарилиши уни кредит уюшмаси олдидаги мажбуриятларидан озод қилмайди.

Кредит уюшмасидан чиқарилаётган аъзога пай бадалларининг суммаси унинг кредит уюшмаси олдидаги қарзлари ушлаб қолинганидан кейин қайтарилиши керак.

18-модда. Кредит уюшмасининг юқори бошқарув органи

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йифилиши уюшманинг юқори бошқарув органидир.

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йифилиши ҳар йили камида бир марта ва молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

Ушбу Конунда ва уставда назарда тутилган холларда тафтиш комиссияси, кредит уюшмаси аъзолари умумий сонининг камида ўн фоизини ташкил этувчи уюшма аъзолари кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йифилишини ўтказиши талаб қилишлари мумкин.

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йифилишини ўтказиш санаси, жойи ва тартиби, йифилиш ўтказилишини кредит уюшмаси аъзоларига албатта маълум қилиш тартиби, умумий йифилишни ўтказишига тайёргарлик қўриш вақтида аъзоларга бериладиган ахборотлар рўйхати ва уларни бериш тартиби кенгаш томонидан белгиланади. Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йифилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар камида ўттиз кун олдин маълум қилинади.

Умумий йифилиш қарор қабул қилаётганда кредит уюшмасининг ҳар бир аъзоси, устав фондига киритган пай бадаллари миқдоридан қатъи назар, бир овоз ҳуқуқига эгадир.

Кредит уюшмаси аъзолари умумий йифилишининг қарори, агар ушбу Конунда ва уставда бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, умумий йифилишда иштирок этаётган кредит уюшмаси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредит уюшмасининг аъзоси бўлган юридик шахс умумий йифилишда овоз берини ўзининг ваколатли вакили орқали амалга оширади.

Ижро этувчи орган кредит уюшмаси аъзолари умумий йифилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

19-модда. Кредит уюшмаси аъзолари умумий йифилишининг ваколатлари

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йифилиши:

уставга ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритади, устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ўзgartиришлар бундан мустасно;

кредит уюшмаси аъзоларига даромаднинг (фойданинг) бир қисмини тўлаш тартибини тасдиқлайди;

кредит уюшмаси аъзолари орасидан кенгаш, кредит қўмитаси ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди, уларнинг ваколатларини тугатади;

йиллик молиявий хисоботни (бухгалтерия баланслари, даромад (фойда) ва зарарлар тўғрисидаги хисоботни, пул маблағларининг харакати тўғрисидаги хисоботни) тасдиқлайди;

кенгаш, ижро этувчи орган, кредит қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг хисоботларини тасдиқлайди;

аудиторлик ташкилотини ва у билан тузиладиган шартнома шартларини белгилайди;

кредит уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Қонун хужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси аъзолари умумий йифилишининг ваколатларига бошқа масалалар хам киритилиши мумкин.

20-модда. Кредит уюшмаси аъзолари умумий йифилишининг баённомаси

Кредит уюшмаси аъзолари умумий йифилишининг баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

умумий йифилиш ўтказилган жой ва вақт;

кредит уюшмаси аъзоларининг умумий сони;

умумий йифилиш раиси ва котиби;

умумий йиғилиш кун тартиби;
нұтқлардаги асосий фикрлар, овозга қўйилган масалалар;
овоз беришда иштирок этган кредит уюшмаси аъзоларининг сони, овоз бериш якунлари, умумий йиғилиш қабул қилган қарорлар.

Кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан кейин уч кундан кечиктирмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

21-модда. Кредит уюшмаси кенгаши

Кенгаш кредит уюшмаси фаолиятига раҳбарликни ушбу Қонун ва уставда берилган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Кенгаш уставда белгиланган тартибда ва муддатларга кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан сайланган камида беш кишидан иборат тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади.

Кенгаш раиси кенгаш аъзолари орасидан, агар уставда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўпчилик овоз билан сайланади.

Кенгаш мажлиси ҳар ойда камида бир марта, уставда белгиланган тартибда ўтказилади ва кенгашнинг кўпчилик аъзолари иштирок этган тақдирда ваколатли хисобланади. Кенгаш қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда кенгаш раисининг овози ҳал килувчи хисобланади.

Кенгашнинг ваколатларига қўйидагилар киради:
кредит уюшмаси аъзоларининг реестрини юритиш;
кредит уюшмасининг пул маблағларини жалб этиш ва кредитлар бериш борасидаги фаолияти йўналишларини аниқлаш;
ижро этувчи орган фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
молиявий хизматлар турларини, кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари даражасини белгилаш;
ижро этувчи органни тузиш;
кредит уюшмасига янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги, кредит уюшмасидан чиқиш ҳамда кредит уюшмаси аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳамда кредит уюшмасига янги аъзолар қабул қилинган, кредит уюшмаси аъзолигидан чиққан ёки чиқарилган тақдирда уставга тегишли ўзгартришлар киритиш.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кенгашнинг ваколатларига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Кенгаш аъзоси кредит уюшмасидан олган кредитни тўлашни уч ойдан кўпроқ вактга кечиктирган тақдирда, у кенгаш таркибидан чиқарилиши керак. Кредитни тўлаш кечикирилган пайтдан бошлаб мазкур аъзони белгиланган тартибда кенгаш таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар у кенгаш ишида иштирок этишдан четлатиб қўйилади.

Кенгаш аъзолари кредит уюшмасининг бошқа органларига аъзо бўла олмайдилар.

Кенгаш ўз фаолияти тўғрисида кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши олдида ҳар йили ҳисобот беради.

22-модда. Кредит уюшмасининг ижро этувчи органи

Ижро этувчи орган кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг ҳамда кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Ижро этувчи орган раҳбари ва ходимлари кредит уюшмаси билан меҳнат шартномаси тузадилар. Кредит уюшмаси номидан шартномани кенгаш раиси имзолайди.

Ижро этувчи орган раҳбари кредит уюшмаси номидан ишончномасиз иш кўради, ижро этувчи органнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Ижро этувчи орган ҳамда унинг ходимларининг хуқук ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари ҳамда устав билан белгиланади.

23-модда. Кредит уюшмасининг кредит қўмитаси

Кредит қўмитаси кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қиласди, олинган кредитлар ўз вақтида қайтарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Кредит қўмитаси таркибига кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган ижро этувчи орган раҳбари ҳамда кредит уюшмасининг тўрт нафар аъзоси киради. Кредит қўмитаси аъзолари кредит уюшмаси бошқа органларининг аъзолари бўла олмайдилар.

Кредит қўмитасининг мажлиси ҳар ойда камидан бир марта ўтказилади, агар мажлиса аъзоларнинг камидан ярми иштирок этса, у ваколатли хисобланади. Кредит қўмитасининг қарорлари мажлиса иштирок этаётган кредит қўмитаси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредит қўмитасининг аъзоси кредит уюшмасидан олган кредитни тўлашни уч ойдан кўпроқ вақтга кечиктирган тақдирда, у кредит қўмитаси таркибидан чиқарилиши керак. Кредитни тўлаш кечиктирилган пайтдан бошлаб мазкур аъзони белгиланган тартибда кредит қўмитаси таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар у кредит қўмитаси ишида иштирок этишдан четлатиб қўйилади.

Кредит қўмитаси ўз фаолияти тўғрисида кенгашга ҳар ойда ҳисобот тақдим этиши керак.

24-модда. Кредит уюшмасининг тафтиш комиссияси

Кредит уюшмасининг молия-хўжалик фаолиятини мунтазам текшириб бориш учун тафтиш комиссияси тузилади.

Тафтиш комиссияси умумий йиғилиш томонидан кредит уюшмаси аъзолари орасидан камидан уч кишидан иборат таркибда сайланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари кенгаш, кредит қўмитаси ва ижро этувчи орган аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси аъзолари бухгалтерия ҳисоби, молия соҳасида тегишли маълумотга ёки иш тажрибасига эга бўлишлари керак.

Тафтиш комиссияси кредит уюшмасининг бухгалтерия, молия, тўлов ва бошқа ҳужжатларининг барчасидан эркин фойдаланиш хуқуқига эга.

Тафтиш комиссияси:

кредит уюшмаси аъзоларининг пай бадаллари тўлашини, кредитлар олиши ва улардан фойдаланишини текшириб боради;

ўтказилган текширишларнинг натижалари юзасидан кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишига ҳамда кенгашга ёзма ҳисоботлар ва хulosалар тақдим этади;

конун ҳужжатлари ва устав талаблари бузилган ҳолларни кўриб чиқиш учун кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қиласди. Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинганидан кейин қирқ кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси кредит уюшмасидан олган кредитни тўлашни уч ойдан кўпроқ вақтга кечиктирган тақдирда, у тафтиш комиссияси таркибидан чиқа-

рилиши керак. Кредитни тўлаш кечиктирилган пайтдан бошлаб мазкур аъзони белгиланган тартибда тафтиш комиссияси таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар у тафтиш комиссияси ишида иштирок этишдан четлатиб қўйилади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси кенгашнинг барча мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

25-модда. Кредитлар бериш

Кредит уюшмаси ўз аъзоларига шартнома асосида, уставда қайд этилган шартларда, конун ҳужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда муддатли, қайтариладиган ва ҳақ эвазига бериладиган кредитлар беради.

Кредит уюшмаси мулкий таъминланган кредитлар, шунингдек ўзаро ишончли (бланкда қайд этиладиган) кредитлар бериши мумкин.

Кредит уюшмасининг аъзосига бериладиган кредит мазкур кредит уюшмаси бошқа аъзосининг пай бадали ёки депозити асосида унинг кафолати билан таъминланиши мумкин. Кредитни кредит уюшмасининг аъзоси бўлмаган шахслар кафолати билан таъминлашга йўл қўйилмайди.

26-модда. Дивидендлар

Барча харажатлар, мажбурий тўловлар тўланганидан ҳамда кредит уюшмасининг зарур захиралари шакллантирилганидан кейин фақат кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан кредит уюшмаси аъзоларига дивидендлар тўланиши мумкин.

Кредит уюшмаси аъзоларига дивидендларни ҳисоблаш уларнинг пай бадаллари миқдорларига мутаносиб равища амалга оширилади.

Эълон қилинган дивидендлар кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорида белгиланган муддатларда кредит уюшмаси аъзоларига тўланиши керак. Дивидендлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда дивидендларнинг тўланмаган кисми учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарор қабул қилинаётган пайтдаги қайта молиялаштириш ставкалари даражасига асосан пенялар ёзилади.

27-модда. Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда, кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор кредит уюшмаси аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат овози билан қабул қилинади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабар оммавий ахборот восьиталарида эълон қилинади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

28-модда. Кредит уюшмасини тугатиш

Кредит уюшмасини тугатиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши тегишли қарор қабул қилганда. Ихтиёрий равища тугатиш тўғрисидаги қарор кредит уюшмаси аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат овози билан қабул қилинади;

лицензиянинг амал қилиши тугатилганда ёки лицензия бекор қилинганда;

уюшма банкрот деб эълон қилинганда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит уюшмаларининг давлат реес-

трига тегишли ёзув киритганидан кейин кредит уюшмасини тугатиш тамомланган, кредит уюшмаси эса фаолиятини тугатган деб хисобланади.

Кредит уюшмасининг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ах-борот воситаларида эълон қилинади.

Кредит уюшмасини тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Кредит уюшмаларининг фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида бел-гиланган тартибда ҳал этилади.

30-модда. Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини буз-ганлик учун жавобгарлик

Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахс-лар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 4 апрель,
355-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

60 «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қиласди:

1. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни матбу-отда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқлаштиурсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Конунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 4 апрель,
356-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

61 Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (бундан бўён матнда фуқаролар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси банкларида (бундан бўён матнда банклар деб юритилади) омонатлари ҳимояланишини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибига солишдан иборат.

2-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

3-модда. Кафолатлаш обьекти

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари кафолатлаш обьекти ҳисобланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ:

фуқароларнинг банклардаги, қонун ҳужжатлари билан кафолатлашнинг алоҳида тартиби назарда тутилган омонатларида турган;

фуқароларнинг банклар ишончли бошқарувига топширилган;

тақдим этувчига тўланадиган ҳисобваракларда сақланаётган;

юридик шахс ташкил этмаган холда тадбиркорлик фаолияти билан шуфулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳисобваракларига (агар бу ҳисобвараклар мазкур фаолият муносабати билан очилган бўлса) кўйилган;

мазкур банк ёки учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларни таъминлаш учун фуқароларнинг банклардаги гаровда турган омонатларига кўйилган;

банкларнинг чет эллардаги филиалларига кўйилган пул маблағлари кафолатлаш обьекти ҳисобланмайди.

4-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди

Ушбу Қонуннинг мақсадини амалга ошириш учун фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди (бундан бўён матнда Фонд деб юритилади) тузилади.

Фонд фаолиятининг мақсади банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқукини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган (бундан бўён матнда лицензияни чақириб олиш деб юритилади) тақдирда фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўланишини ушбу Қонунда назарда тутилган шартларда ва миқдорда кафолатлашдан иборатdir. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича Фонднинг ҳақ тўланишини кафолатлаши банк қайта

ташкил этилганлиги муносабати билан лицензия чақириб олинган ҳолларга тааллукли эмас.

Фонд юридик шахс хисобланади ва банклар билан ёзма равишда тузиладиган битимлар асосида фаолият юритади.

Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олинган даромадлар, шунингдек конун хужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар хисобидан шакллантирилади.

Фонднинг пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сакланади.

Фонднинг ўз маблағларини давлат қимматли қофозларига ва бошқа активларга қўйишдан олган даромадлари солиқ солиш обьекти ҳисобланмайди.

Фондни бошқариш Фонднинг кузатув кенгаши ва Фонднинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

Фонд молиявий ёрдам кўрсатиш ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси бўлиши мумкин эмас.

5-модда. Фонднинг кузатув кенгаши

Фонднинг кузатув кенгаши Фонд фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Фонд кузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Фонд кузатув кенгашининг мажлиси унинг раиси ёки Фонд кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисми томонидан заруратга қараб, аммо йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чакирилади.

Фонднинг кузатув кенгаши, агар мажлиса аъзоларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли. Агар мажлиса ҳозир бўлганларнинг камида учдан қисми Фонд кузатув кенгашининг қарори учун овоз берса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлганда Фонд кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6-модда. Фонд кузатув кенгашининг ваколатлари

Фонд кузатув кенгаши:

банкларнинг календарь бадаллари ставкасини, уларни ҳисоблаш тартиби ва кириши муддатларини тасдиқлайди;

фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳак тўлаш тўғрисида қарор қабул қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилиги билан агент банкни танлайди;

Фонд маблағларини давлат қимматли қофозларига ва бошқа активларга қўйиш хусусида қарор қабул қиласди;

Фонд маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан жорий фаолиятга мўлжалланган харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Фонднинг ижро этувчи органини тузади ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Фонднинг ижро этувчи органи

Фонд дирекцияси Фонднинг ижро этувчи органи бўлиб, у жорий раҳбарликни

амалга оширади ва Фонд фаолияти учун жавобгар бўлади. Фонд дирекцияси таркибига директор, унинг ўринбосари ва бош бухгалтер киради.

Фонд дирекцияси:

банклар бир йўла тўланадиган ва календарь бадалларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиши устидан назоратни амалга оширади;

фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

жорий фаолиятга мўлжалланган харажатлар сметасини Фонд кузатув кенгашининг тасдигига киритади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фонд директори Фонд кузатув кенгашининг мажлисларида маслаҳат овози хукуки билан иштирок этади.

8-модда. Банкларнинг Фондга тўлайдиган мажбурий бадаллари

Бир йўла тўланадиган ва календарь бадаллар банкларнинг Фондга тўлайдиган мажбурий бадалларирид.

Банкнинг Фондга бир йўла тўлайдиган бадали банкнинг амалда шаклланган устав капитали миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Календарь бадал банклар томонидан Фондга йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадалларнинг миқдори ушбу Қонунга мувофиқ кафолатланиши лозим бўлган фуқаролар омонатларининг йил чорагидаги амалдаги қолдигига қараб Фонд кузатув кенгаши томонидан белгиланган, аммо омонатлар умумий суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Календарь бадалларнинг тўланган суммаси фуқароларнинг банкдаги омонатлари қолдиги умумий суммасининг 5 фоизига етганда банклар томонидан календарь бадалларни тўлаш тўхтатилади. Фуқароларнинг банкдаги омонатлари қолдигининг умумий суммаси ўзгарганда Фондга тўланган календарь бадалларнинг суммаси қайта хисоблаб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар учун фуқароларнинг пул маблағларини омонатларга жалб этишга тақиқ жорий этилиши банкларни Фондга календарь бадалларини тўлашдан озод этмайди.

Календарь бадалнинг ставкаси ўзгартирилган тақдирда Фонд банкларни бундан камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт.

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича календарь бадал чет эл валютасида ҳисоб-китоб қилинганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, календарь бадал ўтказилган кундан олдинги кунги курс бўйича қайта ҳисоблаб чиқилади.

Банклар томонидан Фондга тўланадиган мажбурий бадаллар банкларнинг кўрсатилаётган хизматлар таннархига киритиладиган харажатларига қўшиб қўйилади.

9-модда. Банкларнинг Фонд олдидағи мажбуриятлари

Банклар:

Фонд билан ёзма битимлар тузишлари;

ушбу Қонунда белгиланган мажбурий бадалларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлашлари;

ушбу Қонунга мувофиқ кафолатланиши зарур бўлган фуқароларнинг банклардаги омонатлари сони ва миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни Фондга тақдим этишлари шарт.

Банк тугатилган тақдирда, банкнинг тугатиш комиссияси фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича тўланадиган ҳақ суммаси билан тугатилаётган банкнинг

Фондга тўлайдиган бадали суммаси ўртасидаги фарқни, шунингдек омонатлар бўйича ҳақ тўлаш пайтида қилинган харажатларни Фондга тўлаши шарт.

10-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш миқдори

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш миқдори банкнинг конун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган оралиқ тугатиш балансида акс эттирилган омонатларнинг қолдигига қараб хисоблаб чиқилади.

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича Фонд маблағлари хисобидан омонатларнинг қолдиги бўйича қўйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш кафолатланади:

лицензия чакириб олинган кундаги ҳолатга кўра омонатлар қолдиги конун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда бўлганда — тўлиқ ҳажмда;

агар омонатларнинг қолдиқлари энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдордан ортиқ бўлса, — лицензия чакириб олинган кундаги ҳолатга кўра конун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдордан кўп бўлган омонатлар қолдик суммасининг 90 фоизи миқдорида, лекин конун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эллик баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган суммада.

Агар банк омонатчига нисбатан кредитор сифатида ҳам иш юритган бўлса, омонатлар бўйича ҳақ тўлаш миқдори омонатчига тўланиши лозим бўлган омонатлар бўйича ҳақ тўлаш суммаси билан банкнинг муқобил талаблари суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Фуқароларнинг банклардаги чет эл валютасидаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш ушбу Конун билан белгиланган тартибда ва миқдорларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, лицензия чакириб олинган кунги курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

11-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш мақсадида банкнинг тугатиш комиссияси лицензия чакириб олинган кундан эътиборан икки ой мобайнида кредиторларни аниқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захиралари фондига депозитга кўйилган дебиторлик қарзлари ва маблағларини олиш чораларини кўради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда тугатилаётган банкнинг фуқаролар омонатлари бўйича қарзларини тўлашга йўналтирилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг, банкнинг тугатиш комиссияси ўн кунлик муддат ичida Фондга куйидагиларни тақдим этиши шарт:

- тасдиқланган оралиқ тугатиш баланси;
- тугатилаётган банк мол-мулкининг таркиби тўғрисидаги маълумот;
- кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар рўйхати;
- фуқаролар омонатларининг миқдорларини тасдиқловчи маълумот;
- фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш учун Фондга зарур бўладиган пул маблағларининг хисоби.

Фонд оралиқ тугатиш балансини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичida фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи.

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашни Фонд оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кун ичida бош-

лаши шарт. Ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилиги билан Фонд белгилайдиган банк (агент банк) томонидан амалга оширилади. Омонатчилар агент банкка ўз омонатлари бўйича ҳақ олиш учун мурожаат қилганларида агент банк мазкур ҳақни омонатчи ўзининг омонати борлигини ва шахсини тасдиқловчи хужжатларни кўрсатган тақдирда тўлаши шарт.

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тегишли хужжатлар кўрсатилган тақдирда омонатчиларнинг қонуний вакилларига ёки уларнинг хукуқий ворисларига ҳам тўланади.

Омонатчининг Фонддан ўз омонати бўйича ҳақини олиши унинг банкка нисбатан омонати бўйича олган ҳақидан ортиқ микдордаги талабларини қаноатлантиришга доир ҳукуқларини истисно этмайди.

12-модда. Фондга ссуда бериш

Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш учун Фонднинг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Фондга ссуда берилади ва у кейинчалик Фонд тушумлари ҳисобидан қайтарилади.

13-модда. Фонд билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида ахборот алмашиш

Фонд билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Фонд ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур ахборотни мунтазам равишида алмашиб турадилар.

14-модда. Банк сирини ошкор қилмаслик

Фонд банк сирининг ошкор этилмаслигини кафолатлайди.

Фонд банк сирини ошкор этган тақдирда, ҳукуқлари бузилган банк ва омонатчи Фонддан ўзларига етказилган заарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

15-модда. Низоларни ҳал қилиш

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 5 апрель,
360-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

62 «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунiga мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Конунга зид бўлган ўз норматив хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 5 апрель,
361-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

63 Чиқиндилар тўғрисида

1-модда. Ушбу Конуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Конуннинг мақсади чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Конуннинг асосий вазифалари чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-мухитга заарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашдан иборат.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Конунда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш — чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаб олиб кетиш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектлари — чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш учун фойдаланиладиган обьектлар;

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

чиқинди паспорти — чиқинди келиб чиққан жойни ҳамда чиқиндининг индивидуал хусусиятларини тасдиқловчи хужжат;

чиқиндилар — ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараённада хом ашё, материалы, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиклари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар);

чиқиндиларни жойлаштириш лимити — муайян муддатга жойлаштириш рухсат этилган чиқиндиларнинг энг юкори миқдори;

чиқиндиларни жойлаштириш объекти — чиқиндиларни сақлаш ҳамда кўмиб ташлаш учун маҳсус ажратилган ва жиҳозланган жой;

чиқиндиларни кўмиб ташлаш — чиқиндиларни, ифлослантирувчи моддалар атроф-муҳитни булғатишининг олдини олишга қаратилган ҳамда бу чиқиндилардан келгусида фойдаланиш имкониятини истисно этадиган тарзда, ажратиб қўйиш;

чиқиндиларни сақлаш — кўмиб ташлаш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш мақсадида чиқиндилар олиб кетилгунча уларни маҳсус жиҳозланган тўплагичларда сақлаш;

чиқиндиларни утилизация қилиш — чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиласчи хом ашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш;

чиқиндиларни қайта ишлаш — чиқиндиларни экологик жиҳатдан бехатар сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш мақсадида уларнинг физик, кимёвий ёки биологик хусусиятларини ўзgartириш билан боғлиқ технологик операцияларни амалга ошириш;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативи — маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилётганда ёки бошланғич хом ашё бирлигидан ҳосил бўладиган муайян турдаги чиқиндиларнинг белгиланган миқдори;

хавфли чиқиндилар — таркибида хавфли (захарлилик, юқумлилик, портловчанлик, тез аланталаниб ёнғин чиқарувчанлик, реакцияга тез киришувчанлик, радиоактивлик) хусусиятлардан лоқал биттасига эга моддалар мавжуд бўлган, бундай моддалар фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига, атроф-муҳитга ўзи мустақил тарзда ҳам, шунингдек бошқа моддаларга кўшилганда ҳам бевосита ёки потенциал хавф туғдиралиган миқдорда ва шаклда мавжуд бўлган чиқиндилар.

3-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари атмосфера ҳавосига ва сув объектларига ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш ва оқизишиб билан боғлиқ муносабатларга тааллукли эмас.

Қорақалпоғистон Республикасида чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидага қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Чиқиндиарга бўлган мулк ҳуқуқи

Чиқинди қайси хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюм ёки маҳсулотлардан, шунингдек товарлардан (маҳсулотлардан) фойдаланиш натижасида ҳосил бўлса, чиқиндиарга бўлган мулк ҳуқуқи шуларнинг эгасига тегишли бўлади.

Чиқиндиарга бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахс олди-сотди, айрбошлаш, ҳадя қилиш шартномаси ёки чиқиндиарни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги қонун билан тақиқлаб қўйилмаган ўзга битимлар асосида олиши мумкин.

Чиқиндиарнинг мулкдорлари қонун хужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида чиқиндиарга эгалик қиласидар, улардан фойдаланадилар ҳамда уларни тасаруф этадилар.

Чиқиндиар жойлашган ер участкасининг мулкдори ўзгарган тақдирда чиқиндиарга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳамда заарли оқибатлар учун жавобгарлик қонун хужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати олиб борилиши тартибини белгилайди;

чиқиндиар кўмиб ташланадиган ва утилизация қилинадиган жойларнинг давлат кадастрини юритиш тартибини белгилайди;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида нормативлар ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш тартибини белгилайди;

чиқиндиарни олиб кириш, олиб чиқиши ва транзит тарзида олиб ўтиш тартибини белгилайди;

чиқиндиарни паспортлаш тартибини белгилайди;

хавфли чиқиндиарнинг ҳамда чегара оша ташилиши давлат томонидан тартибга солиниши керак бўлган чиқиндиарнинг рўйхатини тасдиқлайди;

хавфли чиқиндиарни кўмиб ташлаш учун ер участкалари бериш масалаларини ҳал этади;

депозитсиз идишлар ва тараларни ишлатиш тартибини белгилайди;

чиқиндиарни жойлаштирганлик учун тўлов ҳажмини белгилайди;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари қўйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги;

Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги (бундан бўён матнда «Саноатконтехназорат» агентлиги деб юритилади).

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб беради;

чиқиндилар кўмиб ташланадиган ва утилизация қилинадиган жойларнинг давлат кадастрини юритади;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва технологик ишланмалар ҳамда лойиҳа-смета хужжатларининг давлат экологик экспертизасини ўтказади;

чиқиндилар ҳосил бўлишининг белгиланаётган нормативларига ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш обьектларига розилик беради;

чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини тасдиқлади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш чоғида белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширади;

фуқаролар ҳаёти ва соғлигини чиқиндиларнинг заарли таъсиридан муҳофаза этиш чора-тадбирларини белгилайди;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектлари хусусида давлат санитария-гигиена экспертизаси хулосасини беради;

чиқиндилардан тайёрланаётган товарларга (маҳсулотларга) нисбатан санитария-гигиена талабларини белгилайди ҳамда уларга доир гигиена сертификати беради;

чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиги учун хавфлилик даражасини белгилашда услубий таъминотни амалга оширади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги:

маиший-рўзгор чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тасдиғига киритади;

маиший-рўзгор чиқиндиларини тўплаш, ташиб, қайта ишлаш ва утилизация қилиш ҳолати мониторингини амалга оширади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10-модда. «Саноатконтехназорат» агентлигининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

«Саноатконтехназорат» агентлиги:

кончилик ва қайта ишлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш чиқиндилигини хисобга олиш, сақлаш ва утилизация қилиш устидан давлат назорати ва текширувини;

радиоактив чиқиндилигини сақлаш, ташиб, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш пайтида радиациявий хавфсизлик устидан давлат назоратини;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11-модда. Махаллий давлат ҳокимияти органларининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Махаллий давлат ҳокимияти органлари:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид умумдавлат дастурларини бажаришда иштирок этадилар;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид маҳаллий дастурларни тасдиқлайдилар;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шароит яратиб берадилар;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларини тегишли худудга жойлаштириш масалаларини ҳал этадилар;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қиладилар;

чиқиндилигин тўплаш ва утилизация қилиш корхоналари ташкил этилишига кўмаклашадилар;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларини тегишли худудда жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда иштирок этадилар;

аҳоли пунктлари санитария жиҳатидан тозаланишига ҳамда майший-рўзгор чиқиндилири тўплаб олиб кетилганлиги учун тўловлар вақтида тўланишига кўмаклашадилар;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларининг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоат назоратини амалга оширадилар;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

13-модда. Фуқароларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳукуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширилаётганда ҳаётлари ва соғликлари учун хавфсиз шароитлар билан таъминланиш;

ўзлари яшаётган жойларда хавфли чиқиндилир бор ёки йўклиги тўғрисида, лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган, шунингдек ишлаб турган чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларининг хавфсизлиги ҳақида белгиланган тартибда тўлиқ ва аниқ ахборот олиш;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектлари қурилишига доир қарорларнинг лойиҳалари мухокамасида иштирок этиш;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги конун хужжатлари бузилганлиги натижасида ҳаёти, соғлифи ва мол-мулкига етказилган зарарни тўлатиш;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларининг санитария ва экологик холати устидан жамоат назоратини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Фуқаролар:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошираётганда белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига, бошқа талабларга риоя қилишлари;

маиший-рўзгор чиқиндиларини тўплаб олиб кетиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар хизматидан фойдаланганлик учун тўловларни белгиланган тартибида тўлаб боришлари шарт.

Фуқаролар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари ҳамда зиммаларида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

14-модда. Юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқлари

Юридик шахслар:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларидан чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги санитария нормалари ва қоидалари, экологик нормативлар тўғрисида белгиланган тартибида ахборот олишга;

чиқиндиларни худудни тоза-ораста тутишнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ равишда чиқиндиларни жойлаштириш обьектларида сақлашга;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, куриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ таклифларни киритишга;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид давлат дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этишга;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида бошқа шахслар томонидан ўзларига етказилган заарни тўлатишга ҳақлидирлар.

Юридик шахслар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

15-модда. Юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик шахслар:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга риоя этишга;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида чиқиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисботот тақдим этишга;

чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфлилик дарражасини белгиланган тартибида аниқлашга;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқишига;

ресурс қимматига эга ва утилизация қилиниши лозим бўлган чиқиндиларнинг тўпланишини, лозим даражада сақланишини таъминлашга ҳамда уларнинг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймасликка;

ўзларининг мулки бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилиниши бўйича технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришга;

чиқиндилар аралашиб кетишига (ишлаб чиқариш технологиясида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) йўл қўймасликка;

чиқиндиларнинг рухсат этилмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва кўмиб ташланишига йўл қўймасликка;

чиқиндилар жойлаштирилган ўз объектларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат олиб боришига;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш пайтида ҳолати бузилган ер участкаларида рекультивация ишларини ўтказишга;

чиқиндиларни мумкин қадар кўпроқ утилизация қилиш, уларни чиқинди тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш чора-тадбирлари мажмуини амалга оширишга, шунингдек утилизация қилинмайдиган чиқиндилар экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмиб ташланишини таъминлашга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларига атроф-мухитга рухсат олинмаган тарзда чиқиндилар чиқарилганлиги ҳолатлари тўғрисида ва кўрилган чоралар ҳакида белгиланган тартибида ахборот тақдим этишга;

чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган тартибида ҳақ тўлашга;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг хаёти, соғлифи ва мол-мулкига, атроф-мухитга, юридик шахсларга етказилган заарнинг ўрнини қоплашга мажбуурдирлар.

Юридик шахслар зиммасида чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу Қонунда юридик шахслар учун назарда тутилган ҳукуқларга эга бўладилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

17-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишда хавфсизликни таъминлаш

Юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолияти фуқаролар хаёти ва соғлигининг ҳамда атроф-мухитнинг хавфсизлигини таъминламоғи керак.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талаблари бузилганлиги натижасида фуқаролар хаёти ва соғлиғига ёки атроф-мухитга зарар етказилганда, шунингдек фуқаролар хаёти ва соғлиғи, атроф-мухит учун хавфсизликни таъминлашнинг техникавий ёки бошқа имконияти бўлмай туриб хавфли чиқиндилар ҳосил бўлган ҳолларда юридик шахсларнинг фаолияти белгиланган тартибида чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши мумкин.

18-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида нормалаштириш

Фуқароларнинг хаёти ва соғлиғи, атроф-мухит муҳофаза қилинишини таъминлаш, чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини камайтириш максадида чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари ишлаб чиқлади.

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари чиқинди билан боғлиқ ишларни

амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари билан келишилган ҳолда юридик шахслар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари юридик шахслар томонидан ишлаб чиқилади ва чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланади.

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативларини ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

19-модда. Чиқиндиларни экологик сертификатлаш

Олди-сотди, экспорт-импорт операцияси обьекти бўлган чиқиндилар, шунингдек ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга мувофиқлик бўйича экологик сертификатлашдан ўтказилиши керак, унинг натижаларига кўра чиқиндиларнинг мулкдорларига экологик сертификат берилади.

Чиқиндиларни экологик сертификатлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

20-модда. Хавфли чиқиндиларни ташиш

Хавфли чиқиндиларни ташиш чиқиндиларнинг экологик сертификати ҳамда уларни ташиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган руҳсатнома мавжуд бўлган тақдирда маҳсус жиҳозланган транспорт воситаларида амалга оширилади.

Хавфли чиқиндиларни бехатар ташиш учун жавобгарлик транспорт ташкилоти зиммасида бўлади.

21-модда. Чиқиндиларни олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси худудига чиқиндиларни, шу жумладан чет элга мансуб радиоактив чиқиндиларнинг ҳар қандай турларини сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида олиб кириш тақиқланади.

Фуқароларнинг хаёти ва соғлиғи, атроф-мухитнинг хавфсизлиги таъмин этилиши шарти билан чиқиндилар факат қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб кирилишига йўл қўйилади.

22-модда. Чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлашга доир талаблар

Чиқиндиларни сақлаш санитария нормалари ва қоидаларига, экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳамда чиқиндилардан оқилона фойдаланилишини ёки уларнинг бошқа шахсларга берилишини таъминловчи усусларда амалга оширилади.

Чиқиндилар кўмиб ташланадиган жой (хавфли чиқиндилар бундан мустасно) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида утилизация қилиш учун тегишли технологиялар мавжуд бўлган чиқиндиларнинг кўмиб ташланишига йўл қўйилмайди.

Чиқиндиларни ахоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва сув обьектларининг санитария муҳофазаси зоналари атрофида, фуқаролар хаёти ва соғлиғига, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар ҳамда обьектларга таҳдид келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва кўмиб ташлаш тақиқланади.

Алоҳида холларда, маҳсус тадқиқотлар натижаларига кўра фуқароларнинг хаёти

ва соғлиғи, атроф-мухит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш талабларига риоя этган ҳолда чиқиндиларни ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилади.

23-модда. Чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов

Чиқиндиларни маҳсус ажратилган ва жиҳозланган жойларга жойлаштирганлик учун тўлов ундирилади.

Тўлов микдори белгиланган тартибда чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари асосида, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-мухит учун хавфлилик даражасига қараб белгиланади.

24-модда. Чиқиндиларни утилизация қилиш ҳамда уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга доир фаолиятни рағбатлантириш

Чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ҳамда уларни утилизация қилишга каратилган технологияларни ишлаб чиқаётган ва жорий этаётган, чиқиндиларни утилизация қилишга мўлжалланган корхоналар ва цехлар яратаБтган, ускуналар ишлаб чиқараётган, чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларнинг ҳосил бўлишини камайтириш чора-тадбирларини молиялаштиришда улушбай асосида иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахсларга қонун хужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга доир фаолиятни рағбатлантириш юзасидан ўз ваколатлари доирасида қўшимча чоралар белгилашлари мумкин.

25-модда. Чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга доир тадбирларни молиялаштириш

Чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга доир тадбирларни молиялаштириш чиқиндиларнинг мулкдорлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундай тадбирларни молиялаштиришга табиатни муҳофаза қилиш фондларининг, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари жалб этилиши мумкин.

26-модда. Чиқиндиларнинг давлат ҳисобини юритиш

Олиб кириладиган, олиб чиқиладиган, амалда мавжуд бўлган ва Ўзбекистон Республикаси худудида ҳосил бўладиган, шунингдек транзит тарзида олиб ўтиладиган чиқиндиларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак.

Чиқиндилар тўғрисидаги давлат статистика ҳисботининг шакли, уни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланади.

27-модда. Чиқиндиларни паспортлаш

Ўзбекистон Республикаси худудида ҳосил бўладиган чиқиндилар паспортланиши лозим.

Чиқинди паспорти чиқиндининг ҳар бир тури учун юридик шахслар томонидан тузилади. Ишлаб чиқариш технологияси билан боғлик тарзда чиқиндининг ўзига хос хусусиятлари ўзгарган ҳолларда чиқинди паспортига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилади.

Чиқиндиларни паспортлаш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

28-модда. Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри

Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги ахборотлар тўпланиши, қайта ишланиши, сакланиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш мақсадида чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастри юритилади, кадастрда чиқиндиларнинг микдор ва сифат тавсифлари, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳамда уларнинг хавфлилик даражасини камайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборот ўз ифодасини топади.

Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастри қонун хужжатларида белгиланган тартибда юритилади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганигига айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов

Тошкент ш.,
2002 йил 5 апрель,
362-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

64 «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳукумат қарорларини «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив хужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишиларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов

Тошкент ш.,
2002 йил 5 апрель,
363-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

65 Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган «Қарияларни қадрлаш ўили» давлат дастурига мувофиқ ва ахолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-кувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор килади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарорига мувофиқ хаёт чоғида нафақа олган шахсларнинг дафн маросими учун 2002 йил 1 майдан бошлаб энг кам ойлик иш хақининг икки баравари микдорида бир йўла бериладиган нафақа белгилансин.

2. Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилаб қўйилсинки, кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақаларга солик солинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда амалдаги идоравий норматив хужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштиурсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 1 май,
149-сон

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 1 майдаги 149-сон қарорига
ИЛОВА

**Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар
ва болаликдан ногиронларнинг дағн маросими учун бир йўла
бериладиган нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Дағн маросими учун бир йўла бериладиган нафақани (кейинги ўринларда «бир йўла бериладиган нафақа» деб юритилади) олиш хукуқига Вазирлар Махкамасининг «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарорига мувофиқ ҳаёт чоғида нафақа олган кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларни дағн этган оила аъзоларидан бири ёки жисмоний шахс эга бўлади.

2. Бир йўла бериладиган нафақа мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган фуқаролар вафот этган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳакининг икки баравари миқдорида тайинланади ва тўланади.

3. Бир йўла бериладиган нафақа, уни олиш учун фуқаро вафот этган кундан бошлаб 6 ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тайинланади.

4. Бир йўла бериладиган нафақани тайинлаш тўғрисидаги ариза вафот этган шахс нафақа олувчи сифатида ҳисобда турган туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

5. Бир йўла бериладиган нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидаги хужжатлар илова қилиниши керак:

а) бир йўла бериладиган нафақа олиш учун фуқаролик ҳолатларини қайд этиш органи томонидан вафот этганлик тўғрисида берилган маълумотнома (асл нусхаси);

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг дағн этишининг аризачи томонидан амалга оширилишини тасдиқловчи маълумотномаси.

6. Бир йўла бериладиган нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиш:

а) агар вафот этган фуқаро нафақа олувчи сифатида туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимида ҳисобда турмаган бўлса;

б) нафақа тайинлаш юзасидан ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган шахслар вафот этган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин мурожаат қилинганда;

в) ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хужжатлардан бирортаси тақдим этилмаганда рад қилинади.

Аризачи бир йўла бериладиган нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризани қабул қилишнинг рад этилиши юзасидан юкори ташкилотга ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

7. Бир йўла бериладиган нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан барча зарур хужжатлар билан биргаликдаги ариза тушгандан кейин 3 кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Бир йўла бериладиган нафақа тайинлаш ижтимоий таъминот бўлими қарорига биноан расмийлаштирилади.

8. Ижтимоий таъминот бўлими нафақа тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин 3 кундан кечикмай тегишли қарор нусхаси билан биргаликда билдиришномани аризачининг қўлига беради ёки унга почта орқали жўнатади.

9. Туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлими тайинланган бир йўла берилади-

ган нафақани нафақа тайинлаш түғрисида ариза берилган ойдан кейинги ойдан кепчекмай тұлайды.

Аризачининг хоҳишига кўра нафақа алоқа бўлими орқали почта жўнатмаси тарзидаги ёки банкдаги омонатга ўтказиш йўли билан тўланади.

10. Бир йўла бериладиган нафақаларни тўлаш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси хисобидан амалга оширилади.

11. Бир йўла бериладиган нафақа солиқка тортилмайди ва улардан солиқ пули ушлаб қолинмайди.

12. Бир йўла бериладиган нафақа тўлаш бўйича хисобга олиш ва хисобот бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

66 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш түғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 1 май,
150-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 1 майдаги 150-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 10-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низомнинг 14-банди қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чофида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади».

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги 278-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 11-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги Низомнинг II бўлими қўйидаги мазмундаги 13-банд билан тўлдирилсин:

«13. Хавфли юклар, курол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чофида қонунчиликка мувофиқ хulosалар беради ва назоратни амалга оширади».

13 ва 14-бандлар тегишли равишда 14 ва 16-бандлар деб хисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 ноябрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 11-сон, 35-модда; 1998 й., 7-сон, 28-модда; 2000 й., 10-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 11-банди қирқ еттинчи хат бошидан кейин қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар транзити чофида қонунчиликка мувофиқ хulosалар беради ва назоратни амалга оширади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 марта даги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда; 1999 й., 3-сон, 12-модда; 2000 й., 10-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 4-банди қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«курол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чофида қонунчиликка мувофиқ хulosалар беради ва назоратни амалга оширади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорида:

— 2-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 сентябрдаги 415-31-сон қарори билан тасдиқланган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишларининг вақтингачалик қоидаларига» сўzlари «Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон ва 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарорларига» сўzlари билан алмаштирилсин;

— 4-банд «шунингдек берилган буюртманомаларга мувофиқ автомобиль транспортида ташиладиган маҳсус юкларни кузатиб боришни амалга оширсин» сўzlари билан тўлдирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисида Низомнинг 5-банди қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чофида қонунчиликка мувофиқ хulosалар беради ва назоратни амалга оширади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида Низомнинг 8-банди йигирма бешинчи хат бошидан кейин қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чофида қонунчиликка мувофиқ хulosалар беради ва назоратни амалга оширади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 июндаги 255-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш дав-

лат инспекцияси тўғрисида Низомнинг 5-банди қўйидаги мазмундаги «п» кичик банди билан тўлдирилсин:

«п) ҳаво транспортида хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида хулосалар бериш».

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 июлдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги Низомнинг 7-банди қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«автомобиль транспортида хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида хулосалар бериш».

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 8-банди қирқ бешинчи хат бошидан кейин қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«қонун хужжатларига мувофиқ хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида хулосалар беради ва назоратни амалга оширади».

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 7 апрелдаги 130-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 17-модда билан тасдиқланган Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги тўғрисидаги Низом):

— 5-банднинг «и» кичик банди қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«и) ўз ваколатлари доирасида хавфли юклар ва портловчи моддаларни транзит ташиш шартларини бажариш»;

— 6-банд қўйидаги мазмундаги «т» кичик банди билан тўлдирилсин:

«т) қонунчиликка мувофиқ хавфли юклар ва портловчи моддалар транзити чоғида хулосалар беради ва назоратни амалга оширади».

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 марта даги 109-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги Низомнинг 5-банди қўйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«темир йўл транспортида хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида хулосалар бериш».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

67 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб- лаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 2 мартағи ПФ-2815-сон Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясининг Уставини, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси ходимлари интизоми тўғрисидаги Низомни ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси шахсий таркибининг формали киём-боши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 3 июндаги 249-сон қарори 1-бандининг иккинчи ва учинчи хат бошилари, шунингдек мазкур қарорга 1 ва 2-иловалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси Уставига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 22 июндаги 240-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 2 май,
151-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

68 Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида

[Кўчирма]

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва улар юкларини божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. 2002 йил 1 июндан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар учун:

уларни юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга

ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш хукуки билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган акциз солиғи солинадиган товарларга амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

2. Белгилаб қўйилсинки, ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча тоифалари бўйича божсиз олиб кириш нормалари қўлланилмаган ҳолда товарнинг божхона қийматидан:

озик-овқат товарлари (ундан ташқари) бўйича 50 фоиз;

ноозик-овқат товарлари бўйича 90 фоиз;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган ун олиб келишда нуль ставка миқдорида ягона божхона тўлови ундирилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ юридик шахсташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш хукуки билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотиш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Бунда табақалаштирилган ставкалар қўлланилиши назарда тутилсин, улар олиб келинадиган товарларнинг физик ўлчов бирликлари ва божхона қиймати билан ўзаро мувофиқлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда товарларнинг хусусиятидан, миқдоридан ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши даражасидан келиб чиқиб товарларнинг олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда олиб кирилган товарлар хажмларининг божхона органларида электрон ҳисобга олиниши тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин (маълумотлар ҳар чорақда солиқ органларига берилган ҳолда).

6. Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда:

импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келинишини тасдиқловчи хужжатлар мавжудлигини режадан ташқари текшириш хукуки берилсин. Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар мусодара қилинади;

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари сотувчи улгуржи ва чакана савдо субъектларида, шунингдек умумий овқатланиш субъектларида алкоголли маҳсулотларни сотишни тижорат фаолияти учун мўлжалланган ундиришни тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тартиблаштирилсин.

лотлар ва тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибга мувофиқ сотилишини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур банднинг бажарилиши натижалари тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва иодалар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 6 май,
154-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.